

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№4/2021(157) 1995 йилдан чиқа бошлаган

№4/2021

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

БОШ МУҲАРРИР:

Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ

Робахон МАХМУДОВА

Халилилло ТУРАХУЖАЕВ

Икрам МУСЛИМОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил
19 апрелда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0249-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий
аттестация комиссияси
Раёсатининг 2004 йил
17 декабрдаги 110/4-сонли
қарорига асосан ҳуқуқий,
илмий-амалий журнал
ваколоти берилган.

Босишга 16.08.2021 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Адади: 4180 нусха.
Буюртма № 135.

МУНДАРИЖА

2. *Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*
5. *Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори*
15. *Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*
17. *Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори*
25. *Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*
27. *Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори*
38. *Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*
41. *Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори*

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2021 йил 29 июль

№ РС-45-21

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончли ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг

2021 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2021 йилнинг биринчи ярмида жами 7 375 (5 707) та (апелляция, кассация ва такроран кассация тартибида) шикоят (ариза, мурожаат ва протестлар) келиб тушган.

Шикоят (ариза)ларнинг 5 422 (4 987) таси ёки 73,5 (87,4) фоизи ўрганиб чиқилган, 4 155 (926) таси ёки 76,6 (18,6) фоизи судлов ҳайъатига ўтказилган, 1 063 (3 816) тасини ёки 19,6 (76,5) фоизини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 204 (245) таси ёки 3,8 (4,9) фоизи қайтарилган, 1 953 (720) таси ҳисобот охирига қолдиқ бўлиб қолган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан би-

ринчи, апелляция, кассация ва такроран кассация инстанцияси судида 3 140 (662) та жиноят иши, шундан 1 та биринчи инстанция судида, 105 та апелляция инстанцияси судида, 2 877 та кассация инстанцияси судида, 27 та такроран кассация инстанцияси судида, 130 та ҳарбий ва махфий ишлар кўриб тамомланган.

Мазкур кўрсаткичлар судлар фаолиятида "Бир суд — бир инстанция" тамойили асосида иш юритиш тартиби жорий этилгандан сўнг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан жиноят ишларини мазмунан кўриб чиқилиши ортганлиги (662 тадан 3 140 тага ёки 5 бараварга), шу жумладан, шикоят (ариза, мурожаат ҳамда протест)ларнинг жиноят иши ҳужжатлари асосида синчковлик билан, тўла ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш кўрсаткичлари кескин кўпайганлигини кўрсатмоқда.

Ҳисобот даврида жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида жами 3 152 нафар шахсга нисбатан 2 877 та жиноят иши кассация тартибида кўрилган бўлиб, шундан 2 384 нафар шахсга нисбатан 2 172 таси ёки 75,6 фоизи туман, шаҳар судлари томонидан мазмунан кўриб чиқилган ишлар бўлса, 768 нафар шахсга нисбатан 705 таси ёки 24,4 фоизи вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан кўрилган ишлар ҳисобланади.

Кассация тартибида кўрилган ишларнинг 1 715 нафар шахсга нисбатан ёки 54,4 фоизи ўзгаришсиз қолдирилган, 50 нафар шахсга нисбатан ёки 1,6 фоизи бекор қилинган, 746 нафар шахсга нисбатан ёки 23,7 фоизи бўйича юқори инстанция судининг қарори бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанция судида кўриш учун юборилган, 626 нафар шахсга нисба-

тан 577 та иш ёки 19,9 фоизи бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 4 нафар шахсга нисбатан ёки 0,1 фоизи бўйича қонунга мувофиқлаштирилиб, ўзгартирилган, 11 нафар шахсга нисбатан ёки 0,3 фоизи моддий зарар қопланганлиги сабабли ўзгартирилган.

Судлов ҳайъати томонидан кассация инстанциясида ишларни такроран кўриб чиқиши таҳлиliga кўра, ҳисобот даврида суд қарорларига нисбатан ишни такроран кассация тартибида кўриб чиқиши юзасидан жами 27 та, шу жумладан, Олий суд томонидан 23 та, Бош прокуратура томонидан 4 та протест киритилган.

Мазкур протестлар асосида жами 37 нафар шахсга нисбатан 27 та жиноят иши такроран кассация тартибида кўриб чиқилган бўлиб, 27 нафар шахсга нисбатан 19 та иш бўйича суд қарори бекор қилинган, 7 нафар шахсга нисбатан 6 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган, 2 нафар шахсга нисбатан 1 та иш бўйича суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган, 1 нафар шахсга нисбатан 1 та иш бўйича суд қарори қонунга мувофиқлаштирилиб, ўзгартирилган.

Ишларнинг биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) 22-моддасида белгиланган иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқиши;

ЖПК 463-моддасининг биринчи қисмида белгиланган айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишдаги айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги ҳақидаги қонун талабларига;

ЖПК 509^б-моддасининг учинчи қисмидаги кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурийлиги ҳақидаги қонун талабларига;

шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014

йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 2-бандидаги одил судловни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш, ҳукми қонуний эмас деб топишга асос бўлиши, 7-бандидаги Жиноят-процессуал кодексининг 462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги, 16-бандидаги Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, 21-бандидаги (Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддаси) айблов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандидаги суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жинойи қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилмасдан, тарафларнинг судда келтирилган важларини тўлиқ текширилмаганлиги, жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) умумий қисми талабларини бузганлиги ҳамда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга эътибор қаратилмаганлиги, жиноятни малакашда нотўғри хулосага келинганлиги кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилиши ва бекор қилинишига сабаб бўлган.

Кассация инстанцияси судида қуйи инстанция судлари қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёнида бирон-бир суднинг ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш би-

лан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фаолияти аниқланмади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш ва жи-

ноятларнинг олди олинишини, айб учун жазонинг муқаррарлигини, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журналы таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси", "Одил судлов" - "Правосудие" журналы ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати (Н.Мирзаалимов) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

**Раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раиси биринчи ўринбосари**

суд амалиёти обзори вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судларнинг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзори барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2021 йил август ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2021 йил 1 сентябрга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари — жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси И.Муслимов зиммасига юклансин.

Р. МАХМУДОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг

2021 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2021 йилнинг биринчи ярмида жами 7 375 (5 707) та (апелляция, кассация ва такроран кассация тартибида) шикоят (ариза, мурожаат ва протестлар) келиб тушган бўлиб, 5 422 (4 987) таси ёки 73,5 (87,4) фоизи ўрганиб чиқилган, 1 953 (720) таси ҳисобот охирига қолдиқ бўлиб қолган.

Ҳисобот даврида жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кассация тартибида жами 3 152 нафар шахсга нисбатан 2 877 та жиноят иши кўрилган бўлиб, шундан 2 384 нафар шахсга нисбатан 2 172 таси ёки 75,6 фоизи туман, шаҳар судлари томонидан мазмунан кўриб чиқилган ишлар бўлса, 768 нафар шахсга нисбатан 705 таси ёки 24,4 фоизи вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан кўрилган ишлар ҳисобланади.

Кассация тартибида кўрилган ишларнинг 1 715 нафар шахсга нисбатан ёки 54,4 фоизи ўзгаришсиз қолдирилган, 50 нафар

шахсга нисбатан ёки 1,6 фоизи бекор қилинган, 746 нафар шахсга нисбатан ёки 23,7 фоизи бўйича юқори инстанция судининг қарори бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган, 626 нафар шахсга нисбатан 577 та иш ёки 19,9 фоизи бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 4 нафар шахсга нисбатан ёки 0,1 фоизи бўйича қонунга мувофиқлаштирилиб, ўзгартирилган, 11 нафар шахсга нисбатан ёки 0,3 фоизи моддий зарар қопланганлиги сабабли ўзгартирилган.

Ишларнинг биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда:

ЖПК 22-моддасида белгиланган иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши;

ЖПК 463-моддасининг биринчи қисмида белгиланган айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишдаги айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги ҳақидаги қонун талабларига;

ЖПК 509^б-моддасининг учинчи қисмида белгиланган кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурийлиги ҳақидаги қонун талабларига;

шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 2-бандидаги одил судловни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва

оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш, ҳукми қонуний эмас деб топишга асос бўлиши, 7-бандидаги Жиноят-процессуал кодексининг 462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги, 21-бандидаги (Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддаси) айблов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтир-

ган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандидаги суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жинойий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилмасдан, тарафларнинг судда келтирилган важларини тўлиқ текширилмаганлиги, жазо тайинлашда ЖКнинг умумий қисми талабларини бузганлиги ҳамда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга эътибор қаратилмаганлиги, жиноятни малакашда нотўғри хулосага келинганлиги кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилиши ва бекор қилинишига сабаб бўлган.

I. СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ

1. Жиноят ишларини судда муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилинмасдан, қонун нормаларининг жиддий бузилиши суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон тумани судининг 2020 йил 24 августдаги ҳукмига кўра, Х.Қ.га ЖКнинг 104-моддаси иккинчи қисми "е" банди билан ЖКнинг 59-моддаси саккизинчи қисми ва 61-моддаси тартибида 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 26 ноябрдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Х.Қ. маст ҳолатда ўзганинг баданига қасддан оғир тан жароҳати етказиш мақсадида, 2019 йил 2 май куни соат 23:00 да Жарқўрғон тумани, "Янгиобод" маҳалласи, "Тошкент бекати" яқинидаги дўкон олдида ҳамроҳи А.Г.нинг Э.Н. билан ўзаро тортишувига араллашиб, жамоат жойида сотувчи ва харидорларнинг тинчини бузиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан Э.Н. билан жанжаллашиб, унинг бошига қаттиқ жисм билан уриб, тан жароҳати етказган.

Сурхондарё вилояти суд-тиббий экспертиза марказининг 2020 йил 10 мартдаги 19-сонли қўшимча хулосасида, Э.Н.га етказилган жароҳатнинг оғирлик даражаси "ҳаёт учун хавфли бўлган оғир" тан жароҳати эканлиги кўрсатилган.

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Қашқадарё филиалининг 2020 йил 6 августдаги 187/24-сонли қайта экспертиза хулосасида Э.Н.нинг та-

насида "калла бош миянинг ёпиқ шикастланиши, бош мияни лат ёйиши ўрта оғир даражаси, икки томонлама пешона ва тепа соҳаси базал қисмида мия ичи гематомаси, чап пешона суягининг чизиқсимон ёрилиб синиши, бошни тепа суяклари орасидаги ўрта сагитал чокларини травматик очилиши, пешона ва тепа соҳаларида тери ости гематомалари, чап кўз пастки қовоқ соҳасида қонталаши" кўринишида мавжуд бўлганлиги ва бош соҳасида ўтказилган операция ўрни — чандиғи ва шу соҳада суяк етишмовчилиги борлиги аниқланган.

Олий суд Пленумининг:

1997 йил 22 августдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида"ги 12-сонли қарори 12-бандида суд томонидан алоҳида хонага кирмасдан ўз жойида чиқарилган ажримлар Жиноят-процессуал кодексининг 423-моддаси 4-бандига асосан суд мажлиси баённомасига киритилиши ва келтирилган илтимосномани қаноатлантириш рад этилганда қабул қилинган қарорнинг сабаблари кўрсатилиши зарурлиги;

2018 йил 24 августдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори 16-бандида апелляция, кассация инстанцияси суди қисман ёки тўлиқ суд тергови ўтказиши, шу жумладан, биринчи инстанция суди томонидан текши-

рилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатларни инобатга олган ҳолда ҳуқуқий баҳо бериши мумкинлиги, апелляция, кассация инстанцияси суди тарафларнинг илтимосномаларини (янги гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертизалар ўтказиш, ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва бошқалар ҳақида), улар биринчи инстанция суди томонидан рад этилганлиги сабаблигина рад этишга ҳақли эмаслиги, зарур ҳолларда суд қўшимча далилларни талаб қилиб олишда ташаббус кўрсатиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди қайд этилган Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришларига риоя қилмаган.

Хусусан, адвокат томонидан тақдим қилинган апелляция инстанцияси суд мажлиси ёзиб олинган видео ёзувли диск ўрганиб чиқилганда, апелляция инстанцияси суди процесс иштирокчиларининг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларини чеклаб, ишнинг ҳар томонлама кўриб чиқилишига бошқача тарзда халал берган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришига таъсир қилиши мумкин бўлган қоидабузарликларга йўл қўйганлиги маълум бўлган.

Апелляция инстанцияси суд тергови жараёнида адвокат томонидан А.Ш., Ш.К., Ф.Х., Ж.Б., С.К. ва Д.Э.ни қўшимча гувоҳ

сифатида сўроқ қилиш ҳақидаги ёзма илтимоснома келтирилганида, тарафлар фикри олинган ҳолда маслаҳатга кирилиб, ажрим эълон қилинган бўлса-да, ажримда илтимосноманинг рад қилиш асослари ёритилмаган, суд мажлиси баённомасида эса, ушбу илтимоснома ўз жойида ҳал қилиниб, рад этилганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, адвокат томонидан яна илтимоснома борлиги ҳақида маълум қилинганда раислик қилувчи томонидан илтимоснома мазмуни эшитилмасдан ҳамда тарафлар фикри олинмасдан илтимоснома рад қилинганлиги ҳақида ажрим эълон қилинган. Шундан сўнг адвокат суд таркибига раддия билдирган. Раислик қилувчи эса, тарафлар фикрини тингламасдан ажрим эълон қилиб, процессуал қонун бузилишга йўл қўйган.

Бундай ҳолатда апелляция инстанциясининг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Шу сабабли кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 7 апрелдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг Х.Қ.га нисбатан чиқарилган ажрим бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун Сурхондарё вилояти судига юборилган. Ҳозирда ушбу жиноят иши апелляция тартибида кўриб чиқилмоқда.

1-1906-2001/33-сонли иш

2. Айбланувчининг ишдаги барча материаллар билан таништирилганлиги жиддий қонунбузилиши сифатида ҳукм чиқарган суд томонидан бартараф этилмаслиги суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Ховос тумани судининг 2016 йил 17 июндаги ҳукмига кўра, К.А.га ЖК 165-моддаси биринчи қисми билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 21 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, К.А. 2016 йил 9 апрель куни Ховос тумани "Чамбил" сув истеъмолчилар уюшмаси раиси вазифасида ишловчи Х.К.га қўнғироқ қилиб, ўзини МХХ Сирдарё вилоят бошқармаси ходими "Комил" деб таништириб, у билан Янгиер шаҳрида учрашган ҳамда "Чамбил" СИУнинг ўн йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш учун махсус кўрсатма олганлиги, текширишда кўплаб қонунбузарликларни аниқлаб, уни жиноий жавобгарликка торттириши мумкинлигини айтиб кўрқитган. Шундан сўнг товламачилик йўли

билан СИУнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширмаслик эвазига ундан 2.882.680 сўм қийматга тенг бўлган 1 000 АҚШ доллари миқдоридagi маблағни беришни талаб қилиб, қасддан мулкни беришга мажбур қиладиган шароитга солган.

К.А. 2016 йил 12 апрель куни соат 12:30 ларда, Гулистон шаҳар, 1-мавзе худудида Х.К.дан 1.733.034 сўм қийматга тенг бўлган 600 АҚШ долларини олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган.

Мазкур жиноят иши бўйича биринчи инстанция суди томонидан судланувчининг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важлари етарлича текширилмаган ва уларга баҳо берилмаган.

ЖПК 22-моддасида иш бўйича исботлашни лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилиш-

да судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 2-бандида одил судлов фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилиш лозимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш ҳукми қонуний эмас, деб топишга асос бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ биринчи инстанция суди қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилмаган.

К.А. шикоятда тергов органи унга айблов хулосасини тақдим этмаганлиги, суд ҳам айблов хулосасини олган-олмаганлигини текширмаганини билдирган.

ЖПК 434-моддасида раислик қилувчи судланувчидан айблов хулосаси ва айблов далолатномасининг нусхаси, шунингдек, ушбу Кодекс 388-моддасининг иккинчи қисмида санаб ўтилган процессуал ҳужжат нусхалари унга топширилган-топширилмаганлиги ва айнан қачон топширилганлигини сўраши, бу ҳужжатларнинг нусхалари топширилмаган ёки суд мажлиси бошла-

нишига уч суткадан кам муддат қолганда топширилган бўлса, ишни муҳокама қилиш кейинга қолдирилиши лозимлиги кўрсатилган.

Суд ҳукмида айблов хулосасини 2016 йил 6 май куни олганлиги кўрсатилган бўлсада, иш ҳужжатларида К.А.га айблов хулосаси нусхаси тақдим этилганлиги ёки олганлигини тасдиқловчи тилхат мавжуд эмас.

Ушбу ҳолат апелляция инстанцияси судининг ҳам эътиборидан четда қолган.

ЖПКнинг 497¹⁹-моддаси учинчи қисмида ЖПК нормаларининг жиддий равишда бузилганлиги суд қарорларини бекор қилиш учун асос бўлиши кўрсатилган.

Бундай ҳолатда апелляция инстанцияси судининг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Шу сабабли кассация инстанцияси судининг 2021 йил 1 апрелдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг К.А.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун юборилган.

Мазкур иш 2021 йил 10 майда жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди апелляция инстанциясида кўрилиб, суднинг ҳукми бекор қилинган ва иш бўйича янги айблов ҳукми чиқарилиб, К.А. ЖКнинг 165-моддаси биринчи қисми билан айбли деб топилган ҳамда ЖКнинг 64-моддаси биринчи қисми "в" бандига асосан жавобгарликдан озод қилинган.

1209-157-сонли иш

3. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига номувофиқ тайинланган жазо адолатсиз ҳисобланиб, суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Чирокчи тумани судининг 2020 йил 24 июлдаги ҳукмига кўра, С.Қ.га ЖКнинг 104-моддаси учинчи қисми "д" банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

С.Қ.дан марҳумнинг қонуний вакили Н.М.нинг фойдасига 20 млн. сўм маънавий зарар ундирилиши белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 14 сентябрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, С.Қ.га ЖКнинг 104-моддаси учинчи қисми "д" банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, С.Қ. 2019 йилнинг

18 декабрь куни Яккабоғ тумани "Янгиқўрғон" қишлоғида жойлашган ошхонада синфдоши Ю.Б.нинг туғилган кунини нишонлаб, ўртоқлари билан спиртли ичимлик истеъмол қилган, сўнг соат 22:30 ларда маст ҳолатда "Қўшчинор" МФЙ, "Фуржаб" қишлоғига қайтаётиб, синфдоши А.М. билан ўзаро жанжаллашиб қолган ва уни итариб юборган.

Бунинг натижасида маст ҳолатдаги А.М. йиқилиб тушиб, бош миянинг оғир даражада лат ейиши ва бошқа жароҳатлар, яъни содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказилган. Шундан сўнг 2020 йил 19 декабрь куни Яккабоғ тумани тиббиёт бирлашмасининг жонлантириш бўлимига ётқизилган ҳамда шифокорлар томонидан унга

тиббий ёрдам кўрсатилишига қарамасдан, бош мия аъзоларининг ишдан чиқиши оқибатида 2019 йил 20 декабрь куни шифохонада вафот этган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, С.Қ.нинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унга нисбатан қилмишига номутаносиб енгил жазо тайинлаган.

ЖК 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тушунтирилган.

Мазкур иш бўйича жабрланувчининг қонуний вакили Н.М. суд қарорларидан норози эканлиги, судланган С.Қ.га ЖК 57-моддасини қўллаиб, енгил жазо тайинланганлиги ҳақида важлар билдирилиб, иш бўйича етказилган моддий ҳамда маънавий зарарларни ундиришни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди С.Қ.га нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб, қонун

санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам жазодан ҳам камроқ жазо тайинлашда, содир этилган жиноят - қонунда оғир жиноятлар туркумига кириши, одам ўлимига сабаб бўлганлиги, марҳум қонуний вакилининг моддий ва маънавий жиҳатдан даъвоси борлиги, жиноятнинг ижтимоий жиҳатдан хавфлилик даражаси юқори эканлигини эътибордан четда қолдириб, бир қарра енгил жазо тайинлаган.

ЖПК 497²⁴-моддасида жазо жиноятнинг оғирлигига, маҳкумнинг шахсига номувофиқ бўлса ёки Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган доирадан четга чиқмасдан тайинланган бўлса-да, бироқ тури ёки миқдори бўйича ўта енгил бўлса, адолатсиз ҳисобланиши кўрсатилган.

Бундай ҳолатда апелляция инстанцияси судининг ажримини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмайди.

Шу сабабли кассация инстанцияси судининг 2021 йил 12 апрелдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг С.Қ.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун юборилган.

Мазкур иш 2021 йил 18 майда жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди апелляция инстанциясида кўрилиб, суднинг ҳукми бекор қилинган ҳамда янгидан айблов ҳукми чиқарилиб, С.Қ.га нисбатан ЖК 104-моддаси учинчи қисмининг "в" банди билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

1-1804-2001/14-сонли иш

4. Жабрланувчининг важлари тўлиқ текширилмасдан якуний хулосага келиниши суд терговининг тўлиқ эмаслиги сифатида эътироф этилиб, суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Пайариқ тумани судининг 2017 йил 10 октябрдаги ҳукмига кўра, Ш.М.га ЖК 97-моддаси биринчи қисми билан 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 2 октябрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, Ш.М.га нисбатан тайинланган жазо 14 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига келтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш.М. спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда, 2017 йил 15 июнь куни кечаси соат 03:00 да А.А. билан ўрталаридаги ўзаро келишмовчиликлар учун ундан қасд олиш мақсадида, Пай-

ариқ тумани, "Томойрот" маҳалла фуқаролар йиғинидаги А.А.нинг уйига келган. Шундан сўнг ҳовлидаги каравотда ётган А.А. билан гаплашиб туриб, ўзи билан олиб келган ошхона пичоғини унинг бўйин соҳаси пастки қисмига уриб, воқеа жойидан қочиб кетган. А.А. Ш.М.нинг ортидан қувиб чиқиб, уй ёнидан ўтган "Томойрот-Қўтирбулоқ" автомобиль йўли устида йиқилиб, вафот этган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2017 йил 10 июлдаги 20-сонли хулосасида, марҳум А.А.нинг ўлимига кўкрак қафаси плевра бўшлиғига тешиб кирувчи, кўкрак аортасини жароҳатловчи санчиб кесилган ярасидан кейинги ўткир ички ва ташқи қон

кетиши сабаб бўлиб, уларда "ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлари"нинг аломатлари мавжудлиги ва унинг ўлими сабаби билан узвий боғлиқлиги кўрсатилган.

ЖПК 22-моддасида иш бўйича исботлашни лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқилиши лозимлиги кўрсатилган.

Ушбу кодекснинг 455-моддасида ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги, суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослаши, суднинг ҳукмида ифодаланган барча ҳулосалари асослангандан бўлиши лозимлиги назарда тутилган.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 4-бандида иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назардан баҳоланиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди томонидан қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилинмасдан, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган иш ҳолатлари, шикоятда келтирилган важларни текшириш, йўл қўйилган процессуал хатоликларни бартараф этиш чоралари кўрилмаган.

Мархумнинг қонуний вакили Ф.Й. биринчи ва апелляция инстанцияси суди мажлисларида сўроқ қилинганида, унинг ўғли А.А.ни Ш.М.нинг бир ўзи ўлдирмаганлиги, бу жиноятда А.Э., Ш.С. ва Д.К. ҳам қатнашганлигини билдириб, уларни ҳам жавобгарлик масаласини ҳал этишни сўраган.

ЖПК 417-моддасида, агар суд тергови вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс

томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилиши назарда тутилган.

Мазкур кодекснинг 497²⁵-моддасида апелляция инстанцияси суди қарор қабул қилиш чоғида биринчи инстанция суди томонидан текширилган далилларни ҳам, апелляция инстанцияси судига тарафлар томонидан тақдим этилган ёки у томонидан талаб қилиб олинган ва текшириб чиқилган янги далилларни ҳам эътиборга олиши, агар биринчи инстанция суди томонидан суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқламалиги ёхуд процессуал бузилишларга йўл қўйилган бўлса, апелляция инстанцияси суди тўлиқ ёки қисман суд терговини ўтказиш йўли билан бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириши, процессуал қонун бузилишларни бартараф этиш чораларини кўриши лозимлиги белгиланган.

Мазкур ҳолатда апелляция инстанцияси суди мархумнинг қонуний вакили Ф.Й.нинг ўғлини Ш.М. жиний шериклари билан бирга ўлдирганлиги ҳақидаги ва бошқа важларини тўлиқ текшириш юзасидан зарур суд экспертизасини тайинламасдан, қўшимча гувоҳларни, экспертларни, мутахассисларни сўроқ қилмасдан, ашёвий ва бошқа далилларни тўлиқ йиғмасдан, жиноят ишини тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириб чиқилишини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни белгиламасдан, барвақт ҳулосага келган.

Бундай ҳолатда суд тергови тўлиқ ўтказилмаганлиги боис апелляция инстанцияси ажримини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Шу сабабли кассация инстанцияси судининг 2021 йил 8 апрелдаги ажрими билан Ш.М. га нисбатан чиқарилган апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун юборилган.

1-334-17-сонли иш

5. Бланкет диспозицияли норманинг бузилиши билан боғлиқ айбловда айнан қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат талаби бузилганлиги аниқ кўрсатилмаслиги суд қарорининг бекор қилинишига сабаб бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани судининг 2020 йил 25 августдаги ҳукмига кўра, К.А.га ЖКнинг 223-моддаси иккинчи қисми "в" банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар

суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 17 сентябрдаги ажрими билан ҳукм ўзга-ришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, К.А. фуқаролик паспортида Ички ишлар вазирлигининг М ва ФРБ томонидан хориж давлатига чиқа-

ётган фуқароларга икки йил муддатга берилган дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш учун рухсат ёзуви муддати ўтган бўлса-да, янги тартибдаги хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштирмасдан, дастлаб 2019 йил 28 февралда Украина орқали қонунга хилоф равишда Туркия Республикасига, у ердан 2019 йил 17 апрелда Малайзия давлатига борган.

Шундан сўнг Малайзия давлатидан 2019 йил 2 июнь куни "Малайзия-Туркия-Украина" йўналиши билан Украинанинг Киев шаҳрига қайтган.

Бундан ташқари у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиши учун белгиланган тартибни такроран бузиб, 2020 йил 1 февраль куни Украина давлати орқали Туркиянинг Истанбул шаҳрига ва у ердан 2020 йил 10 февраль куни Малайзия давлатига борган ҳамда 2020 йил 25 февраль куни Туркиянинг Истанбул шаҳрига қайтиб келган.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 9-сонли қарори 12-бандида Жиноят кодекси 223-моддаси диспозицияси бланкет норма бўлганлиги туфайли шахсни жиноят ишида айбланувчи тартибда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда дастлабки тергов органлари шахс томонидан чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш тартибини белгилловчи айнан қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат талаби бузилганлигини аниқ кўрсатишлари шартлиги, суд ҳукмида ҳам мазкур жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахснинг ҳаракатларида ЖКнинг 223-моддасида назарда тутилган белгилардан қайси бири мавжудлиги аниқ кўрсатилиши лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Бироқ биринчи инстанция суди қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилмаган.

Жумладан, ЖКнинг 223-моддаси иккинчи қисми "в" бандида такроран ёки хавфли рецидивист томонидан белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Гарчи суд К.А.ни янги тартибдаги хо-

рижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштирмай, дастлаб 2019 йил 28 февралда Туркияга Республикасига, у ердан 2019 йил 17 апрелда Малайзия давлатига бориб, у ердан 2019 йил 2 июнда Украинага қайтганлиги юзасидан айбли деб топган бўлса-да, К.А. томонидан чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш тартибини белгилловчи айнан қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат талаби бузилганлигини аниқ кўрсатмаган.

Бундан ташқари суд К.А.нинг ҳаракатларига баҳо беришда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва Фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ёки унинг ҳудудий бўлимлари мутахассислари хулосасини олиш ва уларни мутахассис сифатида сўроқ қилиш чораларини кўрмаган.

Шунингдек, суд Олий суд Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 9-сонли қарори 8-бандида Жиноят кодексининг 223-моддасида назарда тутилган жиноят Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси чизиги кесиб ўтилган пайтдан бошлаб, Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида эса, чегара назоратидан ўтилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланиши ҳақидаги талабларини муҳокама қилмасдан, иккинчи айблов эпизоди бўйича К.А. хорижга чиқиш учун белгиланган тартибни такроран бузиб, 2020 йил 1 февралда Украина орқали Туркиянинг Истанбул шаҳрига, сўнг 2020 йил 10 февраль куни Малайзия давлатига борганлиги юзасидан айбдор деб топган бўлса-да, ҳукмда айнан қандай асосларга кўра, К.А. такроран жиноят содир этганлиги асослантилмаган.

Бундан ташқари суд К.А. 2019-2020 йилларда Украина, Туркия ва Малайзия давлатларига чиқиш учун эски шаклдаги паспорт эгаси бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари стикер расмийлаштириши шарт ёки шарт эмаслиги, худди шунингдек, янги амалга киритилган Ўзбекистон фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини расмийлаштирмасдан 2019 йил 1 январдан Ўзбекистон фуқаросининг чет элда истиқомат қилиб келган ҳудудидан бошқа давлат ҳудудига чиқиши мумкин ёки мумкин эмаслиги, бу борада айнан қайси тартибни бузганлиги ўрганилмаган.

Апелляция инстанцияси томонидан биринчи босқич судининг мазкур процессуал хатолигига эътибор қаратилмаган, судланган К.А. томонидан берилган апелляция шикоятда келтирилган важлар муҳокама қилинмаган, натижада К.А.нинг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важлари судда текширилиши ва баҳолаши билан боғлиқ процессуал ҳуқуқлари чекланишига йўл қўйилган.

Бундай ҳолатда иш бўйича чиқарилган апелляция инстанциясининг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Шу сабабли кассация инстанцияси судининг 2021 йил 18 майдаги ажрими би-

лан К.А.га нисбатан чиқарилган апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан ушбу инстанцияда кўриш учун юборилган.

Мазкур иш 2021 йил 5 июлда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясида кўрилган ҳамда кассация инстанцияси судининг қарорида назарда тутилган кўрсатмалар текширилиб, суднинг ҳукми ўзгартирилган. Суд томонидан К.А.га нисбатан ЖКнинг 223-моддаси иккинчи қисми "в" банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

1-1011-2005/293-сонли иш

II. СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ЎЗГАРТИРИЛИШИ

1. Шахснинг қилмишида жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги суд қарорининг ўзгартирилиши ва жиноят ишининг бир қисми тугатилишига асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судининг 2014 йил 4 июлдаги ҳукмига кўра, У.М.га ЖКнинг 164-моддаси тўртинчи қисми "а" банди ва 222-моддаси биринчи қисми билан ЖКнинг 59, 60, 61-моддалари тартибида 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2019 йил 16 апрелдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, У.М. озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатини ўтаб туриб, 2013 йил 5 декабрь куни соат тахминан 21:00 ларда жазони ижро этиш муассасасидан қочиб кетган.

Бундан ташқари У.М. ўзганинг мол-мулкани босқинчилик йўли билан талон-торож қилиш мақсадида Ж.А., Р.П. ва И.Ш.лар билан олдиндан жинойи тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2013 йил 5 декабрда соат тахминан 22:30 ларда Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 41-уй, 3-хонадонга бостириб кириб, уй эгалари Г.Х. ва М.Ш.нинг қўл-оёқларини боғлаб, уриб, уларга тан жароҳати етказган, Г.Х.га тегишли бўлган пул маблағи ва турли хилдаги тилла буюмларни қўлга киритгач, Ж.А.нинг бошқарувидаги давлат рақами 01 L 472 DA бўлган "Нексия-Донс" автомашинасида воқеа жойидан яширинган. Улар жабрланувчи Г.Х.га жами 119.211.363 сўм миқдоридан зарар етказган.

Суд тиббиёт экспертизасининг 2013 йил 11 декабрдаги 1419-сонли хулосасида Г.Х.га етказилган жароҳатлар оғирлик да-

ражасига кўра, соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳат эканлиги кўрсатилган.

Суд тиббиёт экспертизасининг 2013 йил 11 декабрдаги 1418-сонли хулосасида М.Ш.га етказилган жароҳатлар оғирлик даражасига кўра, соғлиқнинг узоқ муддатга бузилишига олиб келган ўртача тан жароҳати эканлиги кўрсатилган.

Суд иш тафсилотларини тўлиқ ўрганиб, тўпланган далилларга процессуал қонун нормалари асосида ҳуқуқий баҳо бериб, ишончли мақбул далиллар йиғиндисига асосан У.М.ни босқинчилик жиноятини содир этганлиги ҳақида асосли тўхтама келган.

Бироқ суд озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкум У.М.ни қамоқдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш учун жавобгарлик белгиланган ЖКнинг 222-моддаси биринчи қисми билан айбли деб топиб, нотўғри хулосага келган.

Иш ҳолатларига кўра, маҳкум У.М. жазо муддатини 64/69-сонли жазони ижро этиш манзил-колониясида ўтаб келган.

ЖПК 114-моддасида манзил-колонияларда маҳкумлар соқчисиз, аммо назорат остида сақланиши, ушбу кодекснинг 105, 111, 112-моддаларида жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ёки маъмурият йўлланмаси билан бўлиши керак бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан ташлаб кетганлиги учун интизомий жазо чоралари қўлланилиши кўрсатилган.

Манзил-колонияси қамоқ ёки қўриқлов

остигади сақлаш жойи ҳисобланмаганлиги сабабли уни ўзбошимчалик билан ташлаб чиқиш интизомий жавобгарликни келтириб чиқаради.

ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандида қилмишида жиноят таркиби бўлмаса, судланувчи айбсиз деб топилиши ва реабилитация этилиши лозимлиги кўрсатилган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2021 йил 11 майдаги ажрими билан У.М.га нисбатан жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судининг 2014 йил 4 июлдаги ҳукми ва

жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2019 йил 16 апрелдаги ажрими ўзгартирилган:

жиноят ишининг ЖКнинг 222-моддаси биринчи қисми билан боғлиқ қисми ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилган;

У.М.га ЖКнинг 164-моддаси тўртинчи қисми "а" банди билан тайинланган жазо ўзгаришсиз қолдирилиб, ЖК 60-моддаси тартибида 18 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

1-236/140-сонли иш

2. Тамом бўлмаган жиноят тугалланган қилмиш сифатида баҳоланиб, ЖК нормаларини қўллашда хатога йўл қўйилганлиги суд қарорининг ўзгартирилишига асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2019 йил 22 февралдаги ҳукмига кўра, Ю.С.га ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисми билан 10 йил, ЖКнинг 60-моддасига асосан узил-кесил 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 29 мартдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, Ю.С.га ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисми билан ЖК 57-моддаси қўлланиб 7 йил, ЖКнинг 60-моддасига асосан узил-кесил 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаган бўлса-да, Ю.С.нинг ҳаракатини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Суднинг ҳукмига кўра, 2018 йил 25 ноябрь куни соат 23:00 ларда, Юнусобод тумани ИИО ФМБ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда С.Т. сумкасида 40 дона (таблетка), яъни 4 дона конвалютада бўлган "Трамадол-Ланнахер" психотроп моддаларини ўзининг истеъмоли учун қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги, ушбу моддаларни 2018 йил 25 ноябрь куни соат 20:00 ларда, Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги "Парламент" ресторани олдида ўзининг таниши Ю.С.-дан 120.000 сўмга сотиб олганлиги аниқланган.

Шундан сўнг 2018 йил 26 ноябрь куни Юнусобод тумани ИИО ФМБ ЖКБ ходимлари томонидан тадбир ҳаракатлари давом эттирилганда, Ю.С.нинг терговда шахсини аниқлаш имконияти бўлмаган "Отбек" исмли номаълум шахсдан 70 та конвалюта ва 44 дона — жами 744 дона "Трамадол-Ланнахер" дори воситасини 975.000 сўмга қонунга хилоф равишда сотиб олиб,

кейинчалик сотиш мақсадида сақлаб келаётганлиги аниқланган.

ЖКнинг 25-моддаси иккинчи қисмида қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 12-сонли қарори 20-бандида дастлабки тергов органлари ва судлар ҳар бир иш бўйича гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан кўзланган мақсадни аниқлашлари зарурлиги, бундай восита ёки моддаларни эгаллаш уларни келгусида ўтказиш (сотиш) учун содир этилганлиги аниқланган тақдирда, айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд сифатида қўшимча равишда ЖКнинг 25, 273-моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги тушунтирилган.

Дастлабки тергов органи, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари Ю.С.нинг 2018 йил 26 ноябрь куни соат 17:30 ларда келгусида гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадида сақлаб юрганлигини тугалланган жиноят сифатида баҳолаб, хатоликка йўл қўйган.

Бундай ҳолатда суд қарорларини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2021 йил 19 апрелдаги ажрими билан Ю.С.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2019 йил 22 февралдаги ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйи-

ча Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 29 мартдаги ажрими ўзгартирилиб, Ю.С.нинг 744 дона "Траммадол-Ланнахер" гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилганликдаги эпизоди бўйича ҳаракати ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисмидан ЖКнинг 25, 273-моддаси бешинчи қисмига қайта квалификация қилинган.

Судлов ҳайъати томонидан Ю.С.га

ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 6 йил 6 ой, ЖКнинг 25, 273-моддаси бешинчи қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 6 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 7 йил, ЖКнинг 60-моддаси тартибида 7 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

1-1004-1903/21-сонли иш

3. Суд томонидан маҳкумнинг шахсига оид ҳужжатлар тўлиқ ўрганилмасдан асоссиз равишда ўта хавfli рецидивист деб топилганлиги суд қарорининг ўзгартирилишига сабаб бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Нукус тумани судининг 2019 йил 29 ноябрдаги ҳукмига кўра, А.С.га ЖКнинг 28, 273-моддаси бешинчи қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳамда ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавfli рецидивист деб топилган.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъатининг 2020 йил 14 январдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.С. 2019 йил 9 август куни Г.А.нинг қонунга хилоф равишда кўп миқдордаги 0,2 грамм "героин" гиёҳвандлик воситасини 500.000 сўм эвазига судланган Б.К.га сотишга кўмаклашган.

2019 йил 10 август куни Тўрткўл тумани ИИБ ва ДХХ Тўрткўл тумани бўлими ходимлари томонидан ўтказилган "Қора дори-2019" тезкор тадбирида Б.К.нинг яшаш уйи тинтув қилинганда, эғнидаги футболкасининг чўнтагида 0,2 граммга тенг "героин" гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланган.

Суд А.С.нинг айби тасдиқланганлиги, жиний ҳаракати тўғри квалификация қилинганлиги ҳақида асосли тўхтамга келган бўлса-да, уни ўта хавfli рецидивист деб топиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

А.С.нинг шахсига оид ҳужжатларга кўра, у жиноят ишлари бўйича Чимбой туман судининг 2012 йил 19 январдаги ҳукми билан ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги ва 2013 йил 12 декабрдаги амнистия қарорларига асосан жазо муддати 1/3 қисқартирилган. Тайинланган жазонинг беш йилдан кўп бўлмаган муддати ўталганидан сўнг 2014 йил 11 февралда, жазонинг ўталмаган 2 йил 2 ой 23 куни ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган. Шундан сўнг жиноят ишлари бўйича Тўрткўл туман судининг 2015 йил 19 февралдаги ажримига кўра, жазонинг ўталмаган 8 ой 3 кунидан ЖКнинг 73-моддаси тартибида муддатидан илгари шартли озод қилинган.

Шундай ҳолатда А.С.нинг судланганлик ҳолати 2019 йил 19 февралда тугалланган бўлиб, жиноятни эса, 2019 йил 9 августда содир қилган.

Суд томонидан А.С.нинг шахсига оид ҳужжатлар тўлиқ ўрганилмасдан, ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавfli рецидивист деб топиш юзасидан барвақт хулосага келинган бўлиб, апелляция инстанцияси ҳам мазкур масалани эътибордан четда қолдирган.

Судлов ҳайъатининг 2021 йил 6 майдаги ажрими билан А.С.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Нукус туман судининг 2019 йил 29 ноябрдаги ҳукми ва Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъатининг 2020 йил 14 январдаги ажрими ўзгартирилиб, суд қарорларининг А.С.ни ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавfli рецидивист деб топиш қисми бекор қилиниб, жазони умумий тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

1-2302-1901/2-сонли иш



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2021 йил 29 июль

№ РС-46-21

Тошкент шаҳри

**Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан
2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган
ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2021 йилга мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2021 йилнинг биринчи ярмида жами 3631 та шикоят ва протест келиб тушган, шундан 1544 таси судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан кўрилган 1544 та ишнинг:

1187 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган;

43 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган;

42 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган;

76 таси бўйича суд қарорлари ўзгарти-

рилган;

124 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;

32 таси бўйича иш юритиш тугатилган;

40 таси бўйича апелляция (кассация) инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Бундан ташқари 25 та иш қайта кассация тартибида судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан қайта кассация тартибида кўрилган 25 та ишнинг:

13 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган;

4 таси бўйича барча суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган;

2 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборилган;

3 таси бўйича барча суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;

1 таси бўйича иш юритиш тугатилган;

2 таси бўйича Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими бекор қилиниб, апелляция инстанцияси судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида кўрилган ишлар бўйича 11 та ҳусусий ажрим чиқарилган.

Ишларни биринчи ва апелляция (кассация) инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган:

қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини қўлланмаганлиги;

иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;

суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

суд қўлланилмаслиги лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини қўллаганлиги;

суд қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини нотўғри талқин қилганлиги.

Кассация инстанцияси судида қўйи инстанция судлари қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёнида бирон-бир тоифадаги ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш билан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фаолияти аниқланмади.

Судьялар одил судловни амалга ошириш-

да ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси", "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати (Г.Парпиева) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

**Раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раиси биринчи ўринбосари**

суд амалиёти обзорини вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, туманлараро, туман, шаҳар судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2021 йил август ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2021 йил 1 сентябрга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Ҳ.Тураҳужаев зиммасига юклансин.

Р. МАХМУДОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг навбатдаги босқичида инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини тўлатуқис таъминлаш мақсадида суд қарорларини қайта кўриш институти янада такомиллаштирилди.

"Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Иқтисодий процессуал, Фуқаролик процессуал кодексларига, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги бешта қонун 2021 йил 13 январдан кучга кирди.

Ушбу кодексларда фуқаролар учун одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанцияларини ислоҳ қилиш, назорат тартибида иш юритиш институти бекор қилиш тартибини белгилаш назарда тутилди.

Шу маънода "Бир суд - бир инстанция" тамойили жорий этилди.

Ушбу тамойилга кўра, эндиликда, биринчидан, халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли суд тизими яратилди. Яъни:

биринчи инстанция — туманлараро, туман, шаҳар судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича — вилоят судлари;

апелляция инстанцияси — вилоят судла-

ри, биринчи инстанцияда вилоят судлари томонидан кўрилган мураккаб тоифадаги ишлар бўйича — Олий суд;

кассация инстанцияси — Олий суддан иборат бўлди.

Иккинчидан, халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг эътирозига сабаб бўлаётган назорат инстанцияси тўлиқ бекор қилинди.

Ўз навбатида, суд ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институтининг тугатилиши ва кассациянинг учинчи инстанция суди сифатида белгиланиши натижасида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги бевосита ундан норози томоннинг тўғридан-тўғри берган шикоят асосида кўрилишига эришилди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2021 йил учун мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2021 йилнинг иккинчи чораги давомида жами 3631 та шикоят ва протестлар келиб тушган, шундан 1544 таси судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан кўрилган 1544 та ишнинг:

1187 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартиришсиз қолдирилган;

43 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган;

42 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган;

76 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган;

124 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;

32 таси бўйича иш юритиш тугатилган;

40 таси бўйича апелляция (кассация)

инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Статистик таҳлиллар орқали Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъатида тамомланган ишларнинг 288 тасини Тошкент шаҳар, 177 тасини Тошкент вилояти, 140 тасини Қашқадарё вилояти, 117 тасини Самарқанд вилояти, 114 тадан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти, 111 тасини Фарғона вилояти, 102 тасини Сурхондарё вилояти, 87 тасини Бухоро вилояти, 79 тасини Андижон вилояти, 69 тасини Наманган вилояти, 61 тасини Навоий вилояти, 44 тасини Жиззах вилояти ва 41 тасини Сирдарё вилояти судларида кўрилган ишлар ташкил этган.

Судлов ҳайъатида кассация тартибида кўрилган ишларга нисбатан олганда бекор қилинган ёки ўзгартирилганлиги вилоятлар кесимида қуйидагича кўринишни ташкил этган:

Самарқанд вилояти судларининг 36,7 фоиз (117 та иш кўрилган, шундан 12 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 31 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Тошкент вилояти судларининг 33,3 фоиз (177 та иш кўрилган, шундан 10 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 49 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Тошкент шаҳри судларининг 28,1 фоиз (288 та иш кўрилган, шундан 19 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 62 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Навоий вилояти судларининг 26,2 фоиз (61 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 14 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қашқадарё вилояти судларининг 20,6 фоиз (34 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 6 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Бухоро вилояти судларининг 19,5 фоиз (87 та иш кўрилган, шундан 5 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 12 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Андижон вилояти судларининг 19 фоиз (79 та иш кўрилган, шундан 4 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 11 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Фарғона вилояти судларининг 18,9 фоиз (111 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 18 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Хоразм вилояти судларининг 16,7 фоиз (114 та иш кўрилган, шундан 5 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 14 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Наманган вилояти судларининг 15,9 фоиз (69 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 8 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қорақалпоғистон Республикаси судларининг 15,8 фоиз (114 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 15 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сирдарё вилояти судларининг 14,6 фоиз (41 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 5 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Жиззах вилояти судларининг 13,6 фоиз (44 та иш кўрилган, шундан 6 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сурхондарё вилояти судларининг 11,8 фоиз (102 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 11 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган).

Бундан ташқари 25 та иш эса қайта кассация тартибида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан қайта кассация тартибида кўрилган 25 та ишнинг:

13 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

4 таси бўйича барча суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган;

2 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборилган;

3 таси бўйича барча суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;

1 таси бўйича иш юритиш тугатилган;

2 таси бўйича Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими бекор қилиниб, апелляция инстанцияси судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида низолар бўйича кўрилган 11 та иш бўйича хусусий ажримлар чиқарилган, 6 та иш бўйича ФПКнинг 275-моддаси бешинчи қисми талабига кўра, жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун прокурорга хабарномалар юборилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстан-

цияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Бу даврда битимлардан (хусусан, қарз ва кредит шартномаларидан) келиб чиқувчи низолар (72 819 та), оила низолари билан (хусусан, никоҳдан ажратиш) боғлиқ (46 866 та), меҳнат низолари (14 979 та), алоҳида тартибда юритилган ишлар (10 972 та), мулк ҳуқуқи (7 828 та) ва уй-жой низолари (5 000 та) билан боғлиқ ишлар сони бирмунча кўпайган.

Айни вақтда реабилитация оқибати би-

лан боғлиқ меҳнат низолари, хусусан, божхона, ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органларига ишга тиклаш ҳақидаги ишларни кўришда, барча судлар амалиётда қонунларни қўллашда хатоликлар мавжуд.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда ФПК, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (бундан буён матнда МК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

1. Ходимга интизомий жазо чораси қўллаш муддати ва тартибларига риоя қилинмаган, содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражаси, ходимнинг олдинги хулқ-атвори ва унинг ишга бўлган муносабати ҳисобга олинмаган ҳолда (МК 184-моддасининг иккинчи қисми) меҳнат шартномасини бекор қилиниши (хизматдан бўшатилиши) ғайриқонуний деб топилади.

Даъвогар С. судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда иш берувчининг буйруқларини ўзига тегишли қисмини ноқонуний деб топиб, ишга тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундириш ҳамда хизмат текшируви хулосасини ўзига тегишли қисмини бекор қилишни сўраган.

Туманлараро судининг 2020 йил 18 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 25 январдаги ажрими билан суднинг ушбу ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогар С.нинг даъво талабларини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Даъвонинг хизмат текшируви хулосасини бекор қилиш ҳақидаги қисми иш юри-тишдан тугатилган.

Куйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 26 апрелдаги ажрими билан апелляция инстанцияси ажримининг даъвогарнинг буйруқни бекор қилиб, ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги даъво талабларини рад қилиш ҳақидаги қисми бекор қилиниб, мазкур даъво талаблари бўйича қабул қилинган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогар С. ички ишлар

тизимда ишлаб келиб, 2020 йил 6 апрелдаги буйруқ билан туман ички ишлар бўлими бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига тайинланган.

2020 йил 24 июлда тасдиқланган хизмат текшируви хулосасига кўра, даъвогар С. ички ишлар органлари тизимидан бўшатиш тавсия этилган.

Иш берувчининг 2020 йил 18 августдаги 160-сонли буйруғига асосан даъвогар С. лавозимидан озод этилиб, бошқарма ихтиёрида қолдирилган.

Ушбу буйруққа 2020 йил 24 июлдаги хизмат текширув хулосаси ва 2020 йил 6 августдаги тақдимнома асос бўлган.

Бошқарманинг 2020 йил 22 августдаги 56-сонли буйруғи билан даъвогар С. "Ички ишлар органлари Интизом Устави"га асосан "Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 144-банди "к" кичик бандига мувофиқ Ички ишлар органи ходимининг шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар содир этганлиги учун хизматдан бўшатирилган.

Биринчи инстанция суди хизмат текшируви хулосасида кўрсатилган даъвогар С. томонидан йўл қўйилган интизомга хилоф хатти-ҳаракатлар Уставга биноан "Ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш" интизомий чорасини қўллашга асос бўладиган хатти-ҳаракатлар сирасига кирмаслиги, даъвогарга интизомий жазо чораси қўллаш муддатига амал қилинмаганлиги

ҳамда даъвогарнинг тўрт нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли Фармонида зид равишда даъвогар хизматдан бўшатиш қаноатлангани инобатга олиб, даъво талабларини қаноатлантирган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сонли қарори билан тасдиқланган "Ички ишлар органлари Интизом Устави"нинг 46-бандида ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш интизомий чораси хизмат интизомини қўпол равишда бузган, Ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат содир этган, интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равишда хизмат интизомини бузган, қонун ҳужжатларида белгиланган чеклов ва тақиқларга риоя этмаган ходимларга нисбатан қўлланилиши белгиланган. Даъвогар С. нинг содир этган ножўя хатти-ҳаракати хизмат интизомини қўпол равишда бузиш ҳолати ҳисобланиши, унинг интизомий жазо чораси мавжудлиги ҳамда мунтазам равишда хизмат интизомини бузганлиги ҳолатлари тасдиқланмаган.

2. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари МК, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ва Жўқорғи Кенгес қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик ва ижроия органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлардан иборатдир.

Даъвогар Ж. судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда меҳнат шартномасини ўзгартириш ҳақидаги буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш ва мажбурий бўш юрган кунлари учун иш ҳақи ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2020 йил 22 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, Ж.нинг даъво талаблари рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 2 февралдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 18 июндаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, Ж. мактаб директорининг 2019 йил 11 мартдаги буйруғи билан ўт ёқувчи вазифасига ўтказилган ва у ушбу

МКнинг 111-моддаси иккинчи қисмига кўра, низони кўриш вақтида иш берувчига меҳнат шартномасини бекор қилиш асослилигини исботлаб бериш масъулияти юклатилган.

Шунингдек, Уставнинг 54-бандига кўра, интизомий жазо ножўя хатти-ҳаракат бошлиққа маълум бўлган кундан бошлаб бир ой муддат ичида, хизмат текшируви ўтказилганда эса, текширув тугаган кундан бошлаб 10 суткадан кечикмай қўлланилиши керак, бунда айбдорнинг хасталик ва таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмайди.

Даъвогар С. ва бошқаларга нисбатан хизмат текшируви бўйича хулоса 2020 йил 24 июлда тузилган бўлиб, мазкур хулосага асосан даъвогарга интизомий жазо чораси 2020 йил 22 августда, яъни хизмат текширув тугаган кундан 28 кун ўтиб қўлланилган ва бу билан Уставда белгиланган интизомий жазо қўллашнинг муддати бузилган.

Апелляция инстанцияси суди ушбу ҳолатларни эътиборга олмасдан, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-897-21-сонли иш

вазифада 2020 йил 18 мартга қадар ишлаб келган.

Шундан сўнг Ж. мактаб директорининг 2020 йил 1 майдаги буйруғига асосан мактабга қоровул вазифасига ишга қабул қилинган ва кейинчалик у билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг 2020 йил 25 майдаги буйруғи билан МК 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандига асосан бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5969-сонли Фармони 16-бандига кўра, коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар,

васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади.

Иш берувчи томонидан даъвогар Ж. билан меҳнат шартномаси бекор қилинган вақтда унинг қарамоғида уч нафар, жумладан, бир нафари 2011 йил туғилган ҳамда 2017 йилдан 2-гуруҳ ногирони бўлган 14 ёшга тўлмаган Н. исмли фарзанди бўлганлиги судлар томонидан эътиборга олинмаган.

Бундан ташқари судлар тўхтама келишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган махсус чоралар (карантин) жорий этилганлиги са-

бабли судга мурожаат қила олмаганлиги, судга даъво қилиш муддатини узрли сабабларга кўра, ўтказиб юборганлиги ҳақидаги даъвогарнинг илтимосномасини муҳокама қилмаган.

Ваҳоланки, даъвогарнинг даъво қилиш муддати қайд этилган ҳолат юзасидан у томонидан тақдим этилган далиллар асосида узрли ҳисобланади.

Аммо судлар даъвогар Ж. томонидан унинг қонунда белгиланган судга даъво қилиш муддатини узрсиз сабабларга кўра, ўтказиб юборганлигини асос қилиб, даъвони рад этиш ҳақида нотўғри тўхтама келган.

6-1698-21-сонли иш

3. Битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талабларга даъво муддати жорий этилади.

Даъвогарлар Х., П., Г.лар судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 10 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2020 йил 17 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво ариза қаноатлантирилиб, жавобгар П.нинг номига 2016 йил 13 майда нотариал тартибда берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас, деб топилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 6 апрелдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво талабининг рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, фуқаро П. ва Қ. 1960 йил 2 июндаги қонуний никоҳлари давомида олти нафар, яъни Б., Қ., Р., Н., Э. ва Г. исмли фарзандли бўлишган.

П. 1996 йил 1 июнда, Қ. 2014 йил 18 ноябрда вафот этган.

Шаҳар ҳокимининг 2004 йил 21 апрел-

даги қарорига асосан низоли 5-уй марҳум П.нинг шахсий мулки деб тан олинган.

2016 йил 13 майда нотариал тартибда қайд этилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома билан низоли уйга Э. тўлиқ меросхўр эканлиги тасдиқланган.

ФКнинг 150, 153-моддаларига кўра, умумий даъво муддати — уч йил. Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъий назар, судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади. Қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Судлар ўтказиб юборилган муддатни узрли деб топишга ҳеч қандай асослар мавжуд бўлмаса-да, муддатни узрли деб топиб, қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида нотўғри тўхтама келган.

6-350-21-сонли иш

4. Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги ҳамда суд ишида иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги масалани ҳал қилинганлиги суд қарорларини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга асос бўлади.

Даъвогар А. судга жавобгар К. ва бошқаларга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, кейинчалик даъво талабининг ўзгартириб, 1994 йил 21 октябрда нотариал тасдиқланган ишончномани ва у асоси-

да 1996 йил 18 апрелда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига нисбатан битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаб, низоли 112^а-уйга нисбатан ўзининг мулк ҳуқуқини белгилашни

сўраган.

Туманлараро судининг 2020 йил 18 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар А.нинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, низоли 112^а-уйга нисбатан унинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Даъво талабининг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво талаби рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 16 мартдаги ажрими билан суд ҳужжатининг хулоса қисми иккинчи ва тўртинчи хатбошилари бекор қилиниб, даъвогар А.нинг низоли 112^а-уйга нисбатан мулк ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъво талабини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 27 майдаги ажрими билан қуйи судларнинг қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Аниқланишича, низоли уй шаҳар ижроия кўмитасининг 1990 йил 11 октябрдаги қарорига асосан фуқаро К.га тегишли бўлган.

Фуқаро А. 1994 йил 21 октябрда нотариал тасдиқланган ишончнома асосида К. номидан ҳаракат қилиб, 1996 йил 18 апрелда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан низоли 112^а-уйни Х.га сотган ва унинг мулк ҳуқуқи 1996 йил 19 апрелда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Х. 2012 йил 13 сентябрда вафот этган.

5. Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Даъвогар Д. судга даъво аризаси билан муружаат қилиб, банк филиалининг 2020 йил 27 мартдаги буйруғини бекор қилиш, ишга тиклаш ва жавобгар зиммасига ижтимоий тўловларни тўлаб бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Туманлараро судининг 2020 йил 22 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 2020 йил 5 февралдан 2020 йил 30 мартга қадар бўлган давр учун бола парвариши учун тўланадиган икки ёшгача нафақа пули ҳамда бола туғилиши муносабати билан бир марталик бериладиган суюнчи пуллари ундириш белгиланган.

Даъво талабининг қолган қисми рад этилган.

Суд А.нинг даъво талабларини қисман асосли деб топиб, у низоли турар жойда 1993 йилдан буён ҳалол, ошкора ва узлуксиз фойдаланиб келаётганлигига асосланган бўлса-да, коммунал тўловлар амалга оширилганлигини тасдиқловчи қвитанциялар 2009 йил 11 сентябрдан бошлаганлиги, унгача 2007 йил 24, 30 май кунлари табиий газ учун Х. томонидан тўлов қилинганлигига эътибор қаратмаган.

Апелляция инстанцияси даъвогар А. томонидан низоли уй-жойда 1993 йилдан буён узлуксиз яшаганлиги, 2003 йилда бошқа, яъни 12-уй, 65-хонадонга доимий рўйхатга турганлиги ҳамда МФЙ 2021 йил 15 мартдаги далолатномаси асосида турмуш ўртоғи Х. билан Мотурудий кўчаси, 26-уй, 45-хонадонда 1993 йилдан 2014 йилга қадар яшаганлиги асосида инкор қилиниши ҳақида хулосага келган бўлса-да, уларни қайси бири ишончга сазоворлигини ушбу манзилда истиқомат қиладиган гувоҳларни сўроқ қилиш йўли билан аниқлаштирмай, тарафларнинг важларидаги қарама-қаршилиқни бартараф қилиш чораларини кўрмаган.

Бундан ташқари олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво талаблари юзасидан вилоят адлия бошқармаси жавобгар тарафидаги низонинг предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинмасдан, даъво талаби юзасидан фикри олинмаган.

6-884-21-сонли иш

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 25 сентябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 24 майдаги ажрими билан суд қарорларининг даъвони рад қилиш қисми бекор қилиниб, даъво талабларининг шу қисмини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, даъвогар Д. 2012 йил 25 июндан банк филиалида ишлаб келиб, 2019 йилнинг 12 августдан омонат ва валюта носавдо амалиётлари бўлими 1-тоифали мутахассиси А. ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан қайтгунига қадар унинг ўрнида ишлаб келган.

Филиалнинг 2019 йил 4 октябрдаги 140к-

сонли буйруғига асосан даъвогар Д. 2019 йил 2 октябрдан 2020 йил 5 февралга қадар ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқарилган.

Филиалнинг 2020 йил 27 мартдаги 32-К сонли буйруғига асосан даъвогар Д. билан тузилган меҳнат шартномаси 2020 йил 30 мартдан МКнинг 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандига асосан, яъни корхона тугатилиши муносабати билан бекор қилинган.

Меҳнат шартномасини бекор қилишга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4368-сонли қарори, банк Кенгашининг 2019 йил 10 июлдаги 39-сонли ҳамда Республика Марказий банки Банк назорат қўмитасининг 2019 йил

26 июлдаги 137/1-сонли баёнлари, Банк бошқарувининг 2019 йил 1 августдаги 15/03-сонли "Хизмат доирасида фойдаланиш учун" буйруғи, банк филиалининг 2019 йил 18 сентябрдаги 273-И/Ч-сонли буйруғи, туман шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 2020 йил 24 мартдаги 01/260-сонли хати асос қилиб кўрсатилган.

Судлар иш берувчи томонидан МКнинг 237-моддаси биринчи қисми талаблари бузилган ҳолда, яъни даъвогар Д.нинг уч ёшга тўлмаган боласи борлиги ва бундай ҳолатда у билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмаслигини эътиборга олмаган.

6-1235-21-сонли иш

6. Ер участкасига бўлган ҳуқуқ жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Даъвогар туман ҳокимлиги судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгарлар Б. ва В. томонидан ўзбошимчалик билан қурилган иншоотни уларнинг ҳисобидан буздириш ва ер майдонини қайтаришни сўраган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2020 йил 8 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2019 йил 10 июндаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби қаноатлантирилган.

Куйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 6 майдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, туман ҳокимининг 2003 йил 29 июлдаги туман ҳокимининг қарори билан жавобгар Б.га туман маданият ва истироҳат боғи ҳудудидан музқаймоқ, салқин ичимликлар ва енгил таомлар тайёрлаб сотишга мўлжалланган бино қуриш учун 120 м² ер майдони ажратилиши белгиланган.

Туман ҳокимининг 2014 йил 26 ноябрдаги қарори билан қайд этилган 2003 йил 29 июлдаги бекор қилиниб, бош режада белгиланган иншоотлар қонунга мувофиқлаштирилиши белгиланган.

Судлар даъвони қаноатлантиришда жа-

вобгарнинг қурилиши тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга топшириш тўғрисида белгиланган тартибда туман ҳокимининг қарори қабул қилинмаганлиги ва низоли ер майдони ва бино-иншоотларга жавобгарнинг ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги, унга ер майдони ажратиш тўғрисидаги туман ҳокимининг 2003 йил 29 июлдаги қарори бекор қилинганлигига асосланган.

Бироқ судлар жавобгар Б.га низоли қурилмани қуриш учун ер участкаси ажратилганлиги ва қурилишга рухсат берилганлиги юзасидан жавобгарнинг тақдим этган ҳужжатларини ўрганмасдан, жавобгар Б.га туман ҳокимининг 2003 йил 29 июлдаги қарори билан 120 м² ер участкаси ажратилганлиги, "Музқаймоқ, салқин ичимликлар, енгил таомлар ва компьютер ўйинлари биноси"нинг ишчи лойиҳасини нусхаси ва манфаатдор корхона, ташкилот, муассасаларнинг рухсатномаси мавжудлиги, кадастр йиғма жилди бинонинг тавсифига доир 10-илоvasи 5-бўлимида объект қурилиши 2003 йилда бошланиб, 2010 йилда тугалланганлиги, мазкур ҳолатда жавобгар томонидан қурилган қурилишлар ўзбошимчалик саналмаслиги эътиборга олинмаган.

6-964-20-сонли иш

7. Боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиш лозим.

Даъвогар И. жавобгар А. га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда фарзандлари 2012 йил 11 майда ту-

тилган А. ва 2015 йил 6 апрелда туғилган Б.ни олиб бериш ҳамда уч нафар фарзандининг яшаш жойини ўзи билан бирга бел-

гилашни сўраган.

Ўз навбатида, жавобгар А. даъвогарга нисбатан 2018 йил 3 сентябрда туғилган фарзанди В. ни ўз тарбиясига олиб бериш ҳамда уч нафар вояга етмаган фарзандининг яшаш жойини ўзи билан бирга белгилашни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 3 мартдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2020 йил 5 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар И. нинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, жавобгар А. нинг қарши даъвоси рад қилинган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 18 майдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, тарафлар 2011 йил 10 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган ва биргаликдаги турмушидан уч нафар, яъни 2012 йил 11 майда туғилган А., 2015 йил 6 апрелда туғилган Б. ва 2018 йил 3 сентябрда туғилган В. исмли ўғил фарзандли бўлишган.

Тарафлар ўзаро оилавий келишмовчиликлар сабабли 2019 йил 25 октябрдан бошлаб алоҳида истиқомат қилиб келишган.

Биринчи инстанция суди И. нинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақида тўхтама келишда, суд-психологик экспертиза хулосаси ва жавобгар А.нинг моддий жиҳатдан устун шароитда эканлиги болаларнинг яшаш жойини у билан белгилаш учун етарли факт бўлмаслиги билан асослаган.

Васийлик ва ҳомийлик органи хулосасида, жавобгар А. ота-онаси билан бирга истиқомат қилиб келаётган уй-жойда вояга етмаган болалар тарбияси учун барча шароитлар етарли эканлиги, Б. ва В.нинг манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг хоҳиши ва психологик ҳолатини, оилада ўзаро шахслараро муносабатларнинг эмоционал боғлиқлигини инобатга олган ҳолда уларни отаси билан бирга яшаши лозимлиги баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4296-сонли қарори 3-бандига асосан, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида бола ўз фикрини ифода қилишга ҳақлидир. Бунда қарор

қабул қилишга ваколатли органлар (шахслар) боланинг манфаатига тааллуқли масалани ҳал қилишда оқилона ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, жиддий омил сифатида кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларини назарда тутувчи қарорни қабул қилиши шарт.

Судлар тўхтама келишда вояга етмаган А. ва Б.нинг бу ёшда мустақил фикрлаши шаклланиб, атрофдаги шахси билан боғлиқ жараёнларга ўзининг нуқтаи-назари асосида баҳо бера олишини, ота ёки онадан бири билан қолиш ҳуқуқи аввало уларнинг истаги ва хоҳиши асосида шаклланиши, шундан келиб чиқиб, уларни судда сўраш ва фикрларини, ота-онанинг шахсига оид бошқа далиллар асосида ҳуқуқий баҳо бериш чорасини кўрмасдан, даъвони ушбу қисмини қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Олий суд судлов ҳайъатида васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда адвокатлар иштирокида, ташқи таъсирларсиз (жумладан, ота-онаси ёки бошқа ҳар қандай қариндош ёхуд бошқа шахслар иштирокисиз) сўралган вояга етмаган А. ва Б. ўз тушунтиришида, ҳозирда отаси билан бирга яшаб келаётганлиги ва кейин ҳам отаси билан қолишни хоҳлашини, онаси билан бирга яшаш жараёнида укалари ва ўзига кўп вақт ажратмаслиги, отаси ҳамда бобо-бувилари билан эса, яхши яшаб келаётганлиги, онасига бориш ва у билан бирга яшашни истамаслигини баён этган.

Судлов ҳайъатида жавобгар А.нинг ахлоқий ёки шахсий фазилатлари билан вояга етмаган фарзандлари тарбиясига салбий таъсир этганлигидан далолат берувчи, хусусан, унинг жисмоний ва руҳий соғлиғи, ахлоқий камолотига зарар етказиши мумкин бўлган ёки уни менсимаслик, шафқатсизлик, кўполлик, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомала, ҳақоратлаш ёхуд эксплуатация қилганлигини тасдиқловчи иш учун исботлаш воситаси бўладиган далиллар мавжудлиги аниқланмаган.

Судлар даъвони қаноатлантиришда Оила кодексининг 68-моддасига риоя этмасдан, боланинг низоли вазиятга ёшидан қатъи назар, иштирокини таъминлаш ва унинг фикрини олиш чорасини кўрмасдан ҳамда қайд этилган васийлик ва ҳомийлик органи хулосасини инобатга олмасдан, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-684-21-сонли иш



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2021 йил 29 июль

№ РС-47-21

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2021 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси ва йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан жами 2961 та шикоят ва протестлар ўрганилиб, шундан умумий мазмундаги мурожаатлар 1312 тани ташкил этган, улардан 192 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 54 таси таллуқлилиги бўйича юборилган, 227 таси қаноатлантирилган, 645 тасига тушунтириш берилган, 164 таси рад этилган.

Статистик таҳлиллар орқали Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганли-

гини баҳолаш мумкин.

Кассация тартибидаги мурожаатлар сони 1649 тани ташкил этган, улардан 415 таси қайтарилган, 205 тасини қабул қилиш рад этилган, 109 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган. Шикоятларни ўрганиш жараёнида 682 та иш ҳужжатлари чақиртирилган.

2021 йилнинг биринчи ярмида идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги 3 та иш кўрилган бўлиб, барча ишлар бўйича арз қилинган талабларни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилинган.

Апелляция тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар бўйича 14 та иш судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўрилишида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган:

аризадаги талабларни тўлиқ муҳокама қилмаслик;

ишларни кўришда судга мурожаат қилиш муддати ўтган бўлса-да, муддат ўтганлиги сабаблари текширилмасдан ва муҳокама қилинмасдан, ишларни кўриб чиқиш ва арз қилинган талабларни қаноатлантириш;

маъмурий органнинг низолашилаётган қарори судга мурожаат қилган аризачининг ҳуқуқлари ва манфаатларига қай даражада таъсир қилаётганлиги тегишли тартибда ўрганилмасдан, арз қилинган талабни қаноатлантириш;

маъмурий суд судловига тааллуқли бўлмаган аризаларни иш юритишга қабул

қилиб, уларни мазмунан кўриб чиқилганлиги ва улар бўйича тегишли қарор қабул қилинганлиги.

Кассация инстанцияси судида қўйи инстанция судлари қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёнида бирон-бир маъмурий суднинг ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш билан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фаолияти аниқланмади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ

нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журналі таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзорини "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси", "Одил судлов" — "Правосудие" журналі ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъа-

ти (Ф.Турсунов) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини вилоят ва туманлараро судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2021 йил август ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулотини ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2021 йил 1 сентябрга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга, туманлараро маъмурий судлариига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун ўборилсин.

5. Қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раиси биринчи ўринбосари**

Р. МАХМУДОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2021 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси ва йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан жами 2961 та шикоят ва протестлар ўрганилиб, шундан умумий мазмундаги мурожаатлар 1312 тани ташкил этган, улардан 192 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 54 таси тааллуқлилиги бўйича юборилган, 227 таси қаноатлантирилган, 645 тасига тушунтириш берилган, 164 таси рад этилган.

Статистик таҳлиллар орқали Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади) 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Кассация тартибидаги мурожаатлар сони 1649 тани ташкил этган, улардан 415 таси қайтарилган, 205 тасини қабул қилиш рад этилган, 109 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган. Шикоятларни ўрганиш жараёнида 682 та иш ҳужжатлари чақиртирилган.

2021 йилнинг биринчи ярмида идоравий

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги 3 та иш кўрилган бўлиб, барча ишлар бўйича арз қилинган талабларни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилинган.

Апелляция тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар бўйича 14 та иш судлов ҳайъатида кўриб чиқилган ва қуйидаги қарорлар қабул қилинган:

9 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

1 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган;
2 та иш бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган;

1 та иш бўйича суд қарори бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;

1 та иш бўйича суд қарори бекор қилиниб, иш юритишдан тугатилган.

Жами 4 та суд қарори бекор қилинган.

Суд қарорларининг бекор қилиниши ва ўзгартирилиши вилоятлар кесимида ўрганилганда, Хоразм вилоят судининг 1 та қарори ўзгартирилган ва 1 таси бекор қилинган, Наманган, Сурхондарё вилоят судларининг 1 тадан қарорлари бекор қилинган.

Бундан ташқари 1 та ажрим Олий суднинг биринчи инстанциясида чиқарилган бўлиб, апелляция инстанциясида эса бекор қилинган ва ариза биринчи инстанция судига кўриб чиқиш учун юборилган.

Кассация тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича 609 та оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар кўрилган.

Судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилган 609 та иш бўйича қуйидаги қарорлар қабул қилинган:

431 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган;

81 та суд қарори бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;

37 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган (шундан 20 таси биринчи инстанция судига, 17

таси янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига);

30 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарори ўз кучида қолдирилган;

16 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, иш юритишдан тугатилган;

2 та суд қарори бекор қилиниб, ариза кўрмасдан қолдирилган.

Жами 164 та суд қарорлари бекор қилинган.

10 та кассация шикоят бўйича иш юритиш тугатилган.

Суд қарорларининг бекор қилиниши ва ўзгартирилиши вилоятлар кесимида ўрганилганда, Хоразм вилоят судининг 27 та, Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилояти судларининг 23 тадан, Тошкент вилояти судининг 21 та, Қашқадарё вилояти судининг 1 та суд қарори ўзгартирилган ва 19 таси бекор қилинган, Фарғона вилояти судининг 13 та, Қорақалпоғистон Республикаси судининг 9 та, Наманган ва Сирдарё вилояти судларининг 7 тадан, Андижон вилояти судининг 6 та, Бухоро ва Сурхондарё вилояти судларининг 4 тадан, Жиззах вилояти судининг 1 та қарори бекор қилинган.

Шунингдек, такрорий кассация тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича 7 та оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар кўрилган.

Судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилган 7 та иш бўйича куйидаги қарорлар қабул қилинган:

4 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

1 та иш бўйича суд қарори бекор қилиниб, иш юритишдан тугатилган;

2 та иш бўйича суд қарори бекор қилиниб, биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Жами 3 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган.

Суд қарорларининг бекор қилиниши вилоятлар кесимида ўрганилганда, улар Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрига 1 тадан тўғри келган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича кўрилган 4 та иш бўйича хусусий ажрим чиқарилиб, улар-

дан икkitаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Наманган вилояти ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаларига, биттаси халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига, биттаси Қўшқўпир тумани ҳокимлиги ва Қўшқўпир тумани прокуратурасига юборилган.

Судлов ҳайъати томонидан "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ишлар юзасидан услубий қўлланма" ишлаб чиқилган.

Шунингдек, маъмурий ва фуқаролик ишлари бўйича республика судлари томонидан 2020 йил давомида судловга тааллуқлилик хусусидаги процессуал қонунчиликни қўллаш амалиёти (ерга, ҳокимлик қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ва мулк ҳуқуқига оид низолар) умумлаштирилиб, унинг натижаси юзасидан Олий суд Раёсатининг тегишли қарори қабул қилинган.

Бундан ташқари маъмурий судлар томонидан 2019-2020 йиллар давомида маҳаллий ҳокимликлар ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш билан боғлиқ ишларни кўриш бўйича суд амалиёти умумлаштирилиб, унинг натижаси юзасидан Олий суд Раёсатининг тегишли қарори қабул қилинган.

"Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши билан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий суд Пленумининг муҳокамасига киритилган.

"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқарилиб, Олий суд Пленумининг муҳокамасига киритилган.

"Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий суд Пленумининг муҳокамасига киритилган.

Судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, шу-

нингдек, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари ҳамда туманлараро маъмурий судларининг судьялари иштирокида "Солиққа оид низоларни (ишларни) маъмурий судларда кўрилишининг ўзига хос хусусиятлари" мавзусида ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 29 апрелдаги "Маъмурий ва фуқаролик ишлари бўйича республика судлари томонидан 2020 йил давомида судловга тааллуқлилик хусусидаги процессуал қонунчиликни қўллаш амалиёти (ерга, ҳокимлик қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ва мулк ҳуқуқига оид низолар)ни умумлаштириш натижалари ҳақида"ги РС-24-21-сонли қарори қабул қилинганлиги муносабати билан семинар машғулоти ўтказилган.

2021 йил 15 февралда тасдиқланган "Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши му-

носабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 8 февралдаги ЎРҚ-670-сонли Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўрганиш мақсадида ўтказиладиган семинарлар режасига асосан жорий йилнинг март-апрель ойларида республика маъмурий судлари судьялари иштирокида семинар машғулоти ўтказилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда МСИ-ЮТК ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

1. МСИЮТКнинг 188-моддаси учинчи қисмига кўра, маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш чоғида суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунийлигини, устидан шикоят қилинаётган қарорни қабул қилган ёхуд устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг ёки мансабдор шахснинг ваколатларини текширади, шунингдек, устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузганлигини аниқлайди.

Аризачи — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси "А" МЧЖ манфаатини кўзлаб судга шикоят билан мурожаат қилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси мансабдор шахсларининг қўшилган қиймат солиғи бўйича 189.142.000 сўмлик имтиёзни қўлламаганликда ифодаланган хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиш ва қўшилган қиймат солиғи сифатида ундирилган 39.142.000 сўмни қайтариб бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2020 йил 24 декабрдаги ҳал қилув қарори билан шикоят қисман қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 22 февралдаги қарори билан биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг аризачининг жавобгардан 39.142.000 сўм пул маблағларини қайтариб бериш мажбуриятини юклаш ҳақидаги талаби судга тааллуқли бўлмаганлиги туфайли иш юритишдан тугатиш қисми бекор қилиниб, шу қисми бўйича янги қарор қабул қилиниб, юқоридаги суммани "А" МЧЖга қайтариш мажбурияти юк-

латилган.

Жавобгар суд қарорларидан норози бўлиб, Олий судга кассация шикояти билан мурожаат қилиб, суд қарорларини бекор қилиб, арз қилинган талабларини рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати юқоридаги суд қарорларини бекор қилиб, аризани рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда, кўйидагиларга асосланган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5326-сонли Фармони 8-банди "в" кичик бандига кўра, туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти субъектлари 2022 йилнинг 1 январига қадар - Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган ҳайдовчи билан биргаликда 8 ва ундан ортиқ кишини ташишга мўлжалланган туризм тоифасига оид транспорт воситалари белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга кўра, божхона

тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилади.

Мазкур Фармонга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги "Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида"ги ПФ-6011-сонли Фармони билан тасдиқланган 1-иловага (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар) мувофиқ, ўзгартириш киритилган.

Унга кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари 2022 йилнинг 1 январига қадар — Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган ишлаб чиқарилганига 5 йилдан ортиқ бўлмаган, йўловчиларни ташишда фойдаланиладиган ва ҳайдовчидан ташқари саккиз ва саккизтадан ортиқ ўриндиқларга эга бўлган транспорт воситалари белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга кўра, божхона тўловларини тўлашдан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилади.

Ушбу норма 2020 йил 1 октябрдан бошлаб кучга кирган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги "Солиқ ва божхона им-

тиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5755-сонли Фармони 2-банди "в" кичик бандига асосан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб, қишлоқ хўжалиги техникаси, автотранспорт воситалари, автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик асбоб-ускуналари бўйича қўшилган қиймат солиғидан, шу жумладан, импорт қилинганда ҳам, имтиёзлар бекор қилинади.

Аризачи "А" МЧЖ томонидан Хитой Халқ Республикасидан 2019 йил 6 ноябрда 1 дона ва 2020 йил 30 июлда расмийлаштирилган божхона юк декларациясига асосан 6 дона микроавтобуслар олиб кирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу ПФ-5755-сонли Фармони билан муқаддам ПФ-5326-сонли Фармонига асосан тақдим этилган имтиёзлар 2019 йил 1 октябрдан бошлаб бекор қилинган бўлса-да, "А" МЧЖ томонидан автотранспортлар имтиёзлар бекор қилингандан кейин Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган бўлса-да, қуйи судлар аризачида қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар мавжуд бўлганлиги ҳақида нотўғри хулосага келиб, арз қилинган талабларни асоссиз қаноатлантирган.

3-1006-2002/8253-сонли иш

2. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бекор қилинади.

Аризачи — М. судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар — халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг 2020 йил 10 мартдаги 07-12/31-сонли қарорининг Н. шаҳри, Мустақиллик хиёбонида жойлашган, собиқ стадион ёнида қурилган 128,0 кв.метрдан иборат енгил конструкцияли ёзги қаҳвахона павильонини бузиш қисмини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2020 йил 24 декабрдаги ҳал қилув қарори билан шикоят қисман қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 23 февралдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аризачи апелляция инстанцияси судининг қароридан норози бўлиб, Олий судга кассация шикояти билан мурожаат қилган.

Судлов ҳайъати суд қарорларини бекор

қилиб, ариза бўйича иш юритишни тугатган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда, қуйидагиларга асосланган:

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди қарорининг хулоса қисми иш ҳолатларига мувофиқ эмаслигига, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлигига эътибор бермасдан, ариза бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим бўлса-да, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, асоссиз равишда аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

МСИЮТКнинг 27-моддаси биринчи қисмида маъмурий судлар:

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга маъмурий органларнинг фуқаролар ўзини

ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлash устидан шикоят қилиш тўғрисидаги;

ушбу кодекснинг 271-моддасида кўрсатилган инвестиция низолари бўйича;

ушбу кодекснинг 272-моддасида кўрсатилган рақобат тўғрисидаги ишларни ҳал қилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни 26-моддаси биринчи қисмига кўра, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари муайян тартибда Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бекор қилиниши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонуни 302-моддасига кўра, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари муайян тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бекор қилиш тўғрисидаги масала жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, давлат органлари, хўжалик бошқарув органларининг маълумотлари асосида Сенат томонидан кўмиталарнинг ташаббусига кўра, ўн беш кун ичида кўриб чиқилиши, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш яқунлари бўйича Сенат қарор қабул қилиши белгиланган.

МСИЮТКнинг 108-моддаси 1-бандига кўра, иш маъмурий судга тааллуқли бўлмаса, иш юритиш тугатилади.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, аризачининг арз қилинган талаби маъмурий судга тааллуқли бўлмаганлиги боис, ариза бўйича иш юритишни тугатиш хулосасига келган.

3-1412-2001/1584-сонли иш

3. МСИЮТКнинг 189-моддаси учинчи қисмига кўра, суд агар устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қоидалари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлигини аниқласа, у арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Аризачи — К. судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2020 йил 23 декабрдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2020 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг 2020 йил 23 декабрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани қисман қаноатлантириш ҳақидаги янги қарор қабул қилинган.

Мазкур қарордан норози бўлиб, учинчи

шахс С. Олий судга кассация шикояти билан мурожаат қилиб, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни сўраган.

Судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришда куйидагиларга асосланган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, ҳокимнинг 2020 йил 2 февралдаги 34-сонли қарори билан марҳум Ф.нинг ҳовли-жойи фойдаланишида бўлган 2316,71 кв.м, шундан 600 кв.м ер участкасига мерос қилиб қолдирилади-

ган умрбод эгалик қилиш ва 1716,71 кв.м ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан давлат рўйхатидан ўтказилиши, ушбу ер участкасида жойлашган 0001-яшаш уйи, 0002-равон, 0003-айвон, 0004-молхона, 0005-девор, 0006-ҳожатхона, 0007-яшаш уйи, 0008-айвон, 0009-яшаш уйи, 0010-дарвозахона, 0011-ошхона, 0012-соёбон, 0013-дарвоза ли-терлар билан белгиланган, умумий қурилиш майдони 519,58 кв.м, шундан 6 та яшаш хо-наси майдони 100,84 кв.м, умумий фойда-ланиш майдони 184,14 кв.м ташкил этади-ган бино-иншоотларга нисбатан мулк ҳуқу-қини эътироф этиш белгиланган.

Ҳокимнинг ушбу қароридан норози бўлиб, аризачи судга мурожаат қилиб, унда ҳоким қарори билан унга қўшни бўлган М.га те-гишли бўлган уй-жойга эгалик ҳуқуқи бел-гиланганлиги, лекин кадастр хизмати ходим-лари М.нинг меросхўрлари ўртасида низо борлигига қарамасдан турар жойга кадастр ҳужжатлари тайёрлаб туман ҳокимиятига тақ-дим этганлиги, кадастр ҳужжатларига у ва бошқа қўшнилари фойдаланадиган маҳалла йўли ҳам киритилганлиги, ўзига тегишли уй-жойига ҳужжатлари йўқлиги, давлат рўйха-тидан ўтказилмаганлиги, уйнинг бошқа тара-фидан кўчага қараган дарвозаси борлиги, орқа кўчадан фойдаланишга эса, қўшниси қаршилик қилаётганлигини вақт қилиб, ҳоким-нинг ушбу қарорини ҳақиқий эмас, деб то-пишни сўраган.

Низоли ер майдонида ўзбошимчалик би-лан қурилган турар-жойга нисбатан мулк ҳу-

қуқини тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатлар мав-жуд эмаслиги, бу ҳолатда ҳоким қарори би-лан ўзбошимчалик билан қурилган турар жой-га нисбатан Ф.нинг эгалик ҳуқуқини эъти-роф этилиши аризачининг ҳуқуқи ва қону-ний манфаатларини бузмаслиги, аризачи-нинг ер участкаси ёки турар жойига нисба-тан мулк ҳуқуқининг вужудга келмаганлиги, ҳоким қарори юзасидан низолашишга ҳуқуқи йўқ шахс ҳисобланиши сабабли, биринчи инстанция суди арз қилинган талабни рад этиш ҳақида тўғри хулосага келган.

Лекин апелляция инстанцияси суди ушбу ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бермасдан, ҳоким қарори юзасидан низолашишга ҳуқуқи бўлмаган шахснинг аризасини қисман қано-атлантириб, ҳоким қарорининг Ф.нинг ҳовли жойи фойдаланишида бўлган 1716,71 кв.м ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи би-лан давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги қис-мини аҳоли умумий фойдаланишида бўлган 300 кв.метрга оид қисмини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланиб, моддий ва про-цессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўллани-либ, арз қилинган талабни рад этиш ҳақида тўғри хулосага келган деб ҳисоблаб, апел-ляция инстанцияси судининг қарорини бе-кор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни ло-зим топган.

3-506-2001/1370-сонли иш

4. Маъмурий суднинг вазифаларига мажбурият юклатиш кирмайди. Ни-золашилаётган қарор ёки ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилсагина, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари билан (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддаси) бирини қўллашга - мажбурият юклатишга йўл қўйилади.

Аризачи — О. судга ариза билан мурожа-ат қилиб, шаҳар ҳокимлиги зиммасига ўзига тегишли бўлган уй-жойда ўзбошимчалик би-лан қурилган қурилмаларга эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбуриятини юклатишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2020 йил 11 мартдаги ҳал қилув қарори билан арз қилин-ган талаб қаноатлантирилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2020 йил 14 июлдаги қарори билан бирин-чи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Учинчи шахс — С. суд қарорларидан но-рози бўлиб, Олий судга кассация шикоят-и билан мурожаат қилиб, арз қилинган талаб-ни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилиш-ни сўраган.

Судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, иш юритишни тугатишда қуйидагилар-га асосланган:

Ишдаги ҳужжатларга кўра, М. шаҳар, Д.То-липков кўчаси, 32-умумий уй-жойнинг 3/100 улуши аризачи О.га 2013 йил 25 майдаги нотариал тасдиқланган олди-сотди шартно-масига асосан тегишли.

Шартномадан кўринишича, турар-жойнинг "О"га тегишли қисмининг яшаш майдони 39,5 кв.м бўлган 3 та яшаш хонасидан ибор-атдир.

Бутун уй-жой улушли мулк ҳисобланиб, 3910 кв.м ер участкасида жойлашган ва 24 та мулкдорга тегишлидир.

К. ҳужжати бўйича сотиб олган хоналар сони 3 та кўрсатилган бўлса-да, аслида 5 та

хонани сотиб олганлиги, қурилиш ости майдони 84,44 кв.м 2 та хона, ойнали айвон, ошхона, ҳаммомдан иборат қурилмалар унга тегишли эканлигини кўрсатиб, шаҳар ҳокимлигига эгалик ҳуқуқини белгилашни сўраб мурожаат қилган.

Шаҳар ҳокимининг 2019 йил 20 июндаги 21-31/7791-сонли хати билан О.га улушдорнинг розилик хатини тақдим қилиш лозимлиги, ундан сўнг масала ер комиссияси томонидан кўриб чиқилиши маълум қилинган ва хатдан норози бўлса, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Мазкур жавоб хатини олгандан сўнг О. арз қилинган талаб билан судга мурожаат қилиб, ваз асосида у 2013 йилдан бери турар-жойда солиқ тўлаб, яшаб келаётганлиги, қўшимча қурилган биноларнинг ҳуқуқий ҳужжати бўлмаганлиги сабабли, уларни расмийлаштиришда муаммолар келиб чиқаётганлигини кўрсатиб, суддан ойнали айвон, ошхона ва ҳожатхонага нисбатан унинг номига эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбуриятини шаҳар ҳокимлиги зиммасига юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг С. мулкдор эмаслиги, аризачининг номига мулк ҳуқуқи белгиланиши унинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаслиги тўғрисидаги хулосаси билан вилоят судининг кассация инстанцияси ҳам келишган.

МСИЮТКнинг 27-моддаси биринчи қисми 2-бандига мувофиқ, суд давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқ-

ланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал этади.

Аризачи О. судга берган аризасида шаҳар ҳокимининг қайси мансабдор шахсининг қандай ҳаракати қонунга мос келмаслиги, унинг қайдай ҳуқуқлари бузилганлигини кўрсатмаган.

Маъмурий суд вазифаларига мажбурият юклаш кирмайди. Низолашилаётган қарор ёки хатти-ҳаракат қонунга хилоф деб топилсагина бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усулларида (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддаси) бирини қўллашга — мажбурият юклашга йўл қўйилади.

Судлов ҳайъати томонидан аниқланишича, О. ва С. яшаб турган хоналарини бирлаштирувчи девор мавжуд. Бундан ташқари О. турар жойни сотиб олгандан сўнг қўшимча қурилма барпо этмаган, у қонунийлаштиришни сўраган иморатлар олдинги мулкдор томонидан қурилган.

Бу ҳолат тарафларнинг тушунтиришлари ҳамда ишда мавжуд бўлган кадастр ҳужжатлари билан ўз тасдиғини топган.

Олди-сотди шартномасининг расмийлаштирилишида кадастр бўлими томонидан йўл қўйилган хато туфайли фақатгина яшаш хоналари кўрсатилган.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати О.нинг аризаси судга тааллуқли эмаслиги, қуйи судлар томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилганлиги ҳақидаги хулосага келиб, суд ҳужжатларини бекор қилиш ва мазкур иш юзасидан иш юриштишни иш маъмурий судга тааллуқли эмаслиги сабабли тугатишни лозим топган.

3-1401-1902/5776-сонли иш

5. МСИЮТКнинг 189-моддаси учинчи қисмига кўра, суд агар устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қоидалари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлигини аниқласа, у арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Аризачи — Ю. жавобгар — туман ҳокимининг 2019 йил 18 сентябрдаги Н.га Оқтепа массиви, "Қўшминор" МФЙ ҳудудидан 1000 кв.м ер майдонини капитал қурилиш қилмаслик шарти билан 5 йил муддатга фойдаланишга бериш ҳақида"ги 4537-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди сифатида ишни кўрган вилоят маъмурий судининг 2020 йил

25 декабрдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Учинчи шахс — У. ҳал қилув қароридан норози бўлиб, Олий судга апелляция шикояти билан мурожаат қилиб, арз қилинган талабни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати суд қарорини бекор қилиб, аризани рад қилиш ҳақидаги янги қарор қабул қилишда қуйидагиларга асосланган:

туман қурилиш бўлими, Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мутахассислари томонидан тақдим этилган маълумотнома ва уларнинг биринчи инстанция судидаги тушунтиришларига кўра, Ю.га "Кўшминор" МФЙ, Оқтепа массиви, 28қ-контури ҳудудидан туман ҳокимининг 2015 йил 7 февралдаги 128-сонли қарори билан деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун 0,31 га ер майдони ажратиб берилганлиги, тасдиқланган схематик қизил чизиқ бўйича узунлиги 87 метрни, эни шимол томондан 42 метрни, жануб томондан 30 метрни ташкил этиб, жанубда дам олиш маскани билан, шарқда ички йўл ва боғзор ер майдони билан, ғарбда сой билан, шимол томонда чегараси кўрсатилмаганлиги аниқланганлиги, туман ҳокимининг 2019 йил 18 сентябрдаги У.га "Дам олиш маскани" қурилиши учун 1000 кв.м (22x45) ер майдони ажратилган бўлиб, мазкур ер майдонига топосъёмка бўйича қизил чизиқ чизилганлиги, низоли ер майдони ўлчанганида, Ю. эгаллаб турган ер майдони 0,40 гектарни ташкил қилиши, қарорга нисбатан 0,09 га ортиқ эканлиги, С. билан ўртасида 0,01 га ер майдони бўш ҳолатда эканлиги аниқланганлиги, Ю. ва У.га ажратилган ер майдонлари бир жойда жойлашмаганлиги, бир-бирига кирмаганлиги маъмум қилинган.

Демак, аризачи Ю. ўзига тегишли қарорда кўрсатилган 0,31 га ер майдонидан 0,09 га ортиқча ер майдонидан ўзбошимчалик билан бир неча йиллардан буён фойдаланиб келган ҳолда, У.га 0,10 га ер майдонини ажратиш ҳақидаги қарорни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида асоссиз равишда судга ариза билан мурожаат қилган.

Чунки туман ҳокимининг 2019 йил 18 сентябрдаги У.га "Дам олиш маскани" қурилиши учун 1000 кв.м (22x45) ер майдони ажратиш ҳақидаги 4537-сонли қарори аризачи Ю.га "Кўшминор" МФЙ, Оқтепа массиви, 28қ-контури ҳудудидан туман ҳокимининг

2015 йил 7 февралдаги 128-сонли қарори билан деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратилган 0,31 га ер майдонига бўлган ҳуқуқларига дахл қилмайди ва низоли ҳоким қарори билан Ю.нинг бирон-бир қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилмаган.

Бундан ташқари биринчи инстанция суди туман ҳокимининг 2019 йил 18 сентябрдаги 4537-сонли қарори билан туман ҳудудидаги туман захира ер фонди ҳисобидаги ер майдонларига капитал қурилиш қилмасдан энгил конструкцияли қурилиш материалларидан музқаймоқ ва салқин ичимликлар сотиш шохобчаси, савдо дўкони ва қассобхона (гўшт сотиш дўкони), савдо дўкони ва автобекат, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари объектларини ўрнатишни ташкил этиш учун 5 йил муддатга вақтинча фойдаланишга рухсат берилганлиги ва тадбиркорлар рўйхати иловага асосан тасдиқланганлигига эътибор қаратмасдан, аризачи Ю.нинг аризаси бўйича юқоридаги қарорни тўлиқ ҳақиқий эмас, деб топган.

Бунинг оқибатида туман ҳокимининг 2019 йил 18 сентябрдаги 4537-сонли қарори билан тасдиқланган рўйхатдаги бошқа тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган.

Судлов ҳайъати низоли қарор билан Н.га Оқтепа массиви, "Кўшминор" МФЙ ҳудудидан 1000 кв.м ер майдонини капитал қурилиш қилмаслик шарти билан 5 йил муддатга фойдаланишга қонуний ажратиб берилганлиги, ушбу қарорнинг қабул қилиниши аризачи Ю.нинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини бузмаслиги ҳамда ўзига қарор асосида тегишли бўлган ер участкасига дахл қилмаслигидан келиб чиқиб, МСИЮТКнинг 189-моддаси учинчи қисмига кўра, иш бўйича қабул қилган ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризани рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

3-1606-2001/1427-сонли иш

6. Объектларни фойдаланишга қабул қилиш тартиби бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри корхонаси тегишли филиаллари томонидан тузилган ҳамда шаҳар (туманлар) қурилиш бўлимлари билан келишилган далолатнома лойиҳаларни ҳақиқий эмас, деб топиш ёки бекор қилиш маъмурий суднинг судловига тааллуқли эмас.

Аризачи — А. маъмурий судга ариза билан мурожаат этиб, унда жавобгарлар З., туман ҳокимлиги, вилоят "Ермулккадастр" ДК туман филиали ва туман Давлат хизматлари маркази мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний

деб топиш, уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш ҳақида 2019 йил 7 ноябрдаги 103-сонли далолатномасини бекор қилиш, Олот кўчасида жойлашган 10-сонли уй-жойга берилган кадастр ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2020 йил 6 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 27 январдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Аризачи А. апелляция инстанцияси судининг қароридан норози бўлиб, Олий судга кассация шикоятни билан мурожаат қилиб, уни бекор қилишни ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни сўраган.

Судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг хулосаси билан қисман келишган ҳолда, қарорни қисман бекор қилиб, бекор қилинган қисми бўйича иш юритишни тугатишда қуйидагиларга асосланган:

3-га собиқ Т. қишлоқ совети Л. колхозининг 1968 йил 24 июндаги 5-сонли қарори билан колхоз ери ҳисобидан 0,08 га ер участкаси ажратиб берилган.

Собиқ Л. колхозининг мазкур қарори туман совети халқ депутатлари ижроия комитетининг 1969 йил 10 июндаги 163ж-сонли қарори билан тасдиқланган.

Вилоят "Ермулккадастр" ДК туман филиали томонидан 2019 йил 3 октябрдаги кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги реестрда 3-нинг туман Совети халқ депутатлари ижроия комитетининг 1969 йил 10 июндаги 163ж-сонли қарори билан 800 кв.м ер майдонига бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида" 2018 йил 18 майдаги 370-сонли қарори қабул қилинган.

Ушбу қарорнинг 7-иловасида қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланган.

Мазкур регламент жисмоний ва юридик шахсларнинг қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

Объектларни фойдаланишга қабул қилиш тартиби бўйича:

а) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри корхонаси филиали далолатнома лойиҳасини ишлаб чиқади;

б) шаҳар (туманлар) қурилиш бўлимлари билан далолатнома лойиҳаларини келишади.

Иш ҳужжатларидаги қурилиши тугалланган яққа тартибдаги турар-жойни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида 2019 йил 7 ноябрдаги 103-сонли далолатнома билан "З" томонидан ўзига уй-жой қуриш учун ажратилган 800 кв.м ер майдонига қурилган турар жойлар фойдаланишга қабул қилинган бўлиб, мазкур далолатнома юқоридаги регламентга мувофиқ расмийлаштирилган.

Аризачи — А. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, мазкур далолатнома унинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини бузаётганлигини вазифада келтирган.

МСИЮТКнинг 27-моддаси биринчи қисми 2-бандида маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар маъмурий суд томонидан ҳал этилиши белгиланган.

Мазкур кодекснинг 185-моддасида манфаатдор шахс маъмурий орган, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ариза (шикоят) билан судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги қайд қилинган.

Судлов ҳайъати аризачининг аризасини ва шикоятда келтирилган вазиларини муҳокама қилиб, арз қилинган талаб, яъни 2019 йил 7 ноябрдаги 103-сонли далолатномани бекор қилиш ҳақидаги талаб маъмурий суднинг судловига тааллуқли эмаслиги сабабли, апелляция инстанцияси судининг қарорини қисман бекор қилиб, бекор қилинган қисми бўйича иш юритишни тугатган.

3-2010-2001/1027-сонли иш

7. Солиқ органлари томонидан текшириш якунларига кўра, аниқланган солиқ қонунчилиги бузилишлари юзасидан тузилган далолатномани ҳақиқий эмас, деб топиш ёки бекор қилиш маъмурий суднинг судловига тааллуқли эмас.

Аризачи "Н" МЧЖ судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2019 йил 11 апрелдаги текшириш далолатномаси ва 2019 йил 6 майдаги 83-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2019 йил 5 августдаги ҳал қилув қарори билан ариза-ни қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2019 йил 11 сентябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатининг 2019 йил 2 декабрдаги қарори билан биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг қарорлари бекор қилиниб, аризачининг талабларини қисман қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Унга кўра, вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2019 йил 6 майдаги 83-сонли қарори ҳақиқий эмас, деб топилган ва вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2019 йил 11 апрелдаги текшириш далолатномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги талаб бўйича иш юритиш тугатилган.

Олий суд Раёсатининг 2020 йил 23 декабрдаги қарори билан Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 2 декабрдаги ҳамда Хоразм вилояти маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 11 сентябрдаги қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 4 февралдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аризачи — Н. МЧЖ биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг қарорларидан норози бўлиб, Олий судга кассация шикоятини билан мурожаат қилиб, мазкур қарорни бекор қилишни ва арз қилинган талабларни қаноатлантиришни сўраган.

Судлов ҳайъати мазкур қарорни қисман бекор қилиб, иш юритишни тугатишда қуйидагиларга асосланган:

туман Давлат хизматлари марказининг 2019 йил 8 январдаги 07-сонли хатига кўра, вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2019 йил 28 февралдаги 118хс-сонли буйруғига асосан жамиятнинг молиявий-хўжалик фао-

лиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши бўйича 2019 йил 4 мартдан 2019 йил 11 апрелга қадар якуний ҳужжатли тафтиш ўтказилган.

Тафтиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштирилиб, туман давлат солиқ инспекцияси томонидан текшириш материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича 2019 йил 6 майда 83-сонли қарор қабул қилинган.

Ушбу қарор билан Н. МЧЖга жами 468.616.700 сўм миқдоридан солиқ ва молиявий жарима ҳисобланган.

Натижада аризачи ушбу қарор ва далолатномани ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги шикоят билан судга мурожаат қилган.

Н. МЧЖ 2018 йил 2 июлда ташкил этилиб, давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда жамиятнинг устав жамғармаси 7.000.000 сўм, шундан 100 фоиз таъсисчи М.нинг пул маблағлари ҳисобидан шакллантирилган.

2018 йил 2 июлдаги топшириш ва қабул қилиш далолатномасига асосан М. томонидан жами 140.000.000 сўмлик 140.000 килограмм қора металл чиқиндилари устав фондига киритилган.

Шунингдек, жамиятнинг 2018 йил 1 сентябрдаги топшириш ва қабул қилиш далолатномасига асосан М. томонидан қиймати 2.041.819.360 сўмлик 226 турдаги товар-моддий бойликлар жамиятнинг устав фондига киритилган.

Кейинчалик Н. МЧЖ раҳбари М. томонидан устав фондига киритилган 1.717.942.979 сўмлик товар-моддий бойликлари 2018 йил 31 декабрдаги далолатномага асосан қайтариб олинган.

Н. МЧЖнинг 2018 йил 1 сентябрдаги 5-сонли қароридан таъсисчи улушини киритиш тўғрисида 2018 йил 1 сентябрь куни тузилган қабул қилиш-топшириш далолатномасида кўрсатилган товар-моддий бойликларни жамият устав фондига киритиш ҳамда қабул қилиш-топшириш далолатномаси айти қарорни ажралмас қисми ҳисобланиши баён этилган бўлса-да, жамиятнинг устав фондидан 2.181.819.360 сўмга кўпайтириш тўғрисида алоҳида қарор текшириш бошлангунга қадар қабул қилинмаган ҳамда ушбу ўзгаришлар текшириш қунига қадар давлат рўйхатидан ўтказилмаган.

"Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасига кўра, қўшимча ҳиссаларни қўшишнинг муддати тугаган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссаларини ва (ёки) учинчи шахсларнинг ҳиссаларини қўшиш яқунларини тасдиқлаш ҳақида, шунингдек, жамият устав фонди (устав капитали) миқдорини кўпайтириш, қўшимча ҳиссалар қўшган жамият иштирокчилари улушларининг номинал қийматини кўпайтириш ва (ёки) учинчи шахс (учинчи шахслар) улушининг номинал қиймати ва миқдорларини аниқлаш, зарур ҳолларда жамият иштирокчилари улушларининг миқдорлари ўзгариши билан боғлиқ ўзгартишларни жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритиш тўғрисида жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиниши керак.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган жамият таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар, шунингдек, жамият иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар ва учинчи шахслар томонидан ҳиссалар тўлиқ миқдорда қўшилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида тасдиқланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай тақдим этилиши лозим. Таъсис ҳужжатларидаги мазкур ўзгартишлар жамият иштирокчилари ва учинчи шахслар учун ўзгартишлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу модданинг бешинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган муддатларга риоя этилмаган тақдирда ёхуд ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қўшимча ҳиссалар барча иштирокчилар томонидан тўлиқ қўшилмаган ёхуд ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган қўшимча ҳиссалар умумий қийматининг дастлабки белгиланган миқдорини камайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилинмаган тақдирда, жамият устав фондининг (устав капиталининг) кўпайтирилиши амалга ошмаган деб эътироф этилади.

Шунингдек, 2020 йил 1 январгача амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сонли қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва улар-

ни фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 16-бандига кўра, рўйхатдан ўтказган орган хабардор қилинган сандан бошлаб корхонанинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади, 20-бандига кўра, текшириш яқунларига биноан солиқ қонунчилиги бузилишлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органи қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради.

Н. МЧЖнинг янги таҳрирдаги устав фондини 463.876.381 сўм қилиб белгилаш ҳақида 2019 йил 18 апрелдаги қарори 2019 йил 20 апрелда, солиқ текшируви яқунланганидан сўнг давлат рўйхатидан ўтказилган.

Яъни текшириш яқунлангунга қадар жамиятнинг янги таҳрирдаги устав фондини кўпайтириш ҳақидаги ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳамда 1.857.942.800 сўм товар-моддий бойликлар реализация қилинганлиги солиқ ҳисоботларида кўрсатилмаган, текшириш давомида жамиятнинг 1.857.942.800 сўмлик товар-моддий бойликлари қолдиқда мавжуд эмаслиги аниқланган.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати қуйи инстанция судларининг жавобгар томонидан ушбу сумма товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш сифатида тўғри баҳоланиб, ушбу сумманинг 20 фоизи миқдоридан жарима солиш ва солиқ ҳисоблаш ҳақида қонуний қарор қабул қилинганлиги билан келишган.

Ушбу ҳолатда арз қилинган талабнинг вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2019 йил 6 майдаги 83-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги қисмини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида тўғри хулосага келган.

Шунингдек, аризачи аризада вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2019 йил 11 апрелдаги текшириш далолатномасини ҳам ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган. Бироқ текшириш далолатномаси "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунга кўра, маъмурий ҳужжат ҳисобланмайди.

Судлов ҳайъати далолатнома маъмурий ҳужжат эмаслиги ва ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармаслиги сабабли уни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги низо МСИЮТКнинг 26-27-моддаларига мувофиқ, судлар томонидан ҳал этиладиган низо турларига кирмаслиги ҳақидаги хулосага келиб, арз қилинган талабнинг мазкур қисми бўйича қабул қилинган суд қарорларини бекор қилиб, иш юритишни тугатишни лозим деб топган.

3-2202-1901/1364-сонли иш



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2021 йил 29 июль

№ РС-48-21

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг биринчи ярмида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2021 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

2021 йилнинг биринчи ярми давомида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига 125 та апелляция шикоятлари келиб тушган ва улардан:

42 та шикоят қайтарилган, 17 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 66 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилиниб, 53 таси кўриб чиқилган ва улардан 25 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилиб, 9 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган ва 19 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, шундан 7 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 9 таси бўйича янги қарор қабул қилган, 3

таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган. 13 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги кассация шикоятлари сони 64 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 1111 та кассация шикояти (протести) келиб тушган.

Улардан 308 та шикоят қайтарилган, 134 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 5 та шикоят бўйича уларни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 728 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган.

579 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шулардан 302 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 40 та суд ҳужжати ўзгартирилган, 237 та суд ҳужжати эса, бекор қилинган. Шундан 127 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 69 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 29 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 3 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган ва 9 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 149 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 5 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Шунингдек, ҳисобот даврида ишни кассация тартибида тақдоран кўриш тўғрисида 20 та ариза келиб тушган ва улардан 14 таси кўриб чиқилиб, 1 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 13 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилинган ва улардан 8 таси бўйича иш янгидан кўриш учун

юборилган,

4 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 2 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган ва 2 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 6 та ариза ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Судлов ҳайъати томонидан жами 26 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. 17 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат (13 та қонун ва 4 та меъёрий ҳужжати), 4 та Олий суд Пленуми қарорлари лойиҳаларининг ишлаб чиқишида иштирок этилган.

Шунингдек, иқтисодий судларда 2018-2020 йиллар давомида мол-мулкни бошқа шахснинг ноқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш (мулкни қайтариш мажбуриятини юклаш, мулкни қайтариш (олиб бериш), битимнинг ҳақиқий эмаслиги ёки бекор қилиниши оқибатида мулкни қайтариш, давлат ижрочиси қарорининг бекор қилиниши, давлат ижрочисининг мулкни реализация қилиш билан боғлиқ ҳаракатлари ноқонуний деб топилганлиги асоси билан мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича кўрилган ишлар юзасидан умумлаштириш ўтказилган, 2020 йилнинг тўртинчи чораги ва 2021 йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат, кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорлари тайёрланиб, Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд ҳужжатлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Жумладан, ҳал қилув қарорини қабул қилган суд йўл қўйилган хатоларни, ҳарфий хатоларни ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни ёзувнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда, ишда иштирок этувчи шахс, давлат ижрочиси, суд ҳал қилув қарорининг ижроси зиммасига юклатилган бошқа органларнинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси бўйича тузатишга ҳақлилиги, ҳал қилув қарорининг мазмунини ҳамда далилларни текшириш, ҳолатларни аниқлаш ва

қонунни қўллаш бўйича қилинган хулосаларни ўзгартиришга йўл қўйилмаслиги;

даъвогар ишни биринчи инстанция судида кўриш чоғида ишнинг мазмунан кўрилиши яқуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтиришга ёки камайтиришга ҳақлилиги;

апелляция инстанцияси судининг қарорида апелляция инстанцияси суди томонидан аниқланган иш ҳолатлари, суднинг ушбу ҳолатлар тўғрисидаги хулосалари учун асос бўлган далиллар, суд қарорни қабул қилишда амал қилган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суднинг у ёки бу далилларни рад этишига ва ишда иштирок этувчи шахслар ҳавола қилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўлламаганлигига доир сабаблар кўрсатилиши кераклиги каби ҳусусиятларга етарли эътибор бермаслик;

иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ ўрганилмаганлиги ва ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берилмасдан моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёхуд нотўғри қўлланилишига йўл қўйиш;

транспорт вазирлиги ва унинг томонидан ташкил этиладиган янги махсус корхоналар асослаш эҳтиёжи мавжуд бўлганда техник-иқтисодий асослаш асосида Ўзбекистон Республикасига белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган транспорт воситалари, бутловчи анжомлар ва эҳтиёт қисмлар, ускуналар, асбоблар ва приборлар, машиналар ва механизмлар, компьютер ва диагностика техникаси учун божхона тўловларидан 2023 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга озод этилиши (божхонада расмийлаштирувлар учун йиғимлар бундан мустасно) белгиланганлиги;

товар чиқариб юборилганидан кейин унинг божхона қиймати ва (ёки) божхона тўловларига ҳужжатларнинг кейинги текшируви пайтида товарнинг божхона қиймати ва (ёки) божхона тўловларининг миқдорига таъсир кўрсатган нотўғри декларациялаш аниқланган тақдирда тузатишлар киритилса нотўғри қўлланилган имтиёз суммаси жавобгардан ундирилиши;

агар Фуқаролик кодексида ёки бошқа

қонунларга мувофиқ шартнома тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақлилиги тўғрисидаги моддий ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя этмаслик ҳолатларига йўл қўйилган.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланади-

ган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлашлари лозим.

Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Матбуот хизмати (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати (Қ.Комилов) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

**Раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раиси биринчи ўринбосари**

суд амалиёти обзори вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзори барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2021 йил август ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2021 йил 1 сентябрга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг раиси Б.Исаков зиммасига юклансин.

Р. МАХМУДОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг биринчи ярмида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йилнинг биринчи ярми давомидаги иш фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган, шу жумладан, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари кассация тартибида қайта кўрилган.

2021 йилнинг биринчи ярми давомида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига 125 та апелляция шикоятлари келиб тушган ва улардан 42 та шикоят қайтарилган, 17 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 66 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилиниб, 53 таси кўриб чиқилган ва улардан 25 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилиб, 9 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган ва 19 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, шундан 7 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 9 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, шундан 3 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган. 13 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги кассация шикоятлари сони 64 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 1111 та кассация шикоятлари (протести) келиб тушган.

Улардан 308 та шикоят қайтарилган, 134 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 5 та шикоят бўйича уларни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 728 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган.

579 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шулардан 302 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 40 та суд ҳужжати ўзгартирилган, 237 та суд ҳужжати эса, бекор қилинган. Шундан 127 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 69 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 29 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 3 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган ва 9 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 149 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 5 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Шунингдек, ҳисобот даврида ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида 20 та ариза келиб тушган ва улардан 14 таси кўриб чиқилиб, 1 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 13 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилинган ва улардан 8 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 4 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 2 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган ва 2 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 6 та ариза ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Судлов ҳайъати томонидан жами 26 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. 17 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат (13 та қонун ва 4 та қонуности ҳужжати), 4 та Олий суд Пленуми қарорлари лойиҳаларининг ишлаб чиқилишида иштирок этилган.

Шунингдек, иқтисодий судларда 2018-2020 йиллар давомида мол-мулкни бошқа шахснинг ноқонуний эгалигидан талаб

қилиб олиш (мулкни қайтариш мажбуриятини юклаш, мулкни қайтариш (олиб бериш), битимнинг ҳақиқий эмаслиги ёки бекор қилиниши оқибатида мулкни қайтариш, давлат ижрочиси қарорининг бекор қилиниши, давлат ижрочисининг мулкни реализация қилиш билан боғлиқ ҳаракатлари ноқонуний деб топилганлиги асоси билан мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича кўрилган ишлар юзасидан умумлаштириш ўтказилган, 2020 йилнинг тўртинчи чораги ва 2021 йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тар-

тибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорлари тайёрланиб, Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Фуқаролик кодекс (бундан буён матнда ФК деб юритилади), Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилганлигини кўриш мумкин.

I. ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИ

1. Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд йўл қўйилган хатоларни, ҳарфий хатоларни ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни ёзувнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда ишда иштирок этувчи шахс, давлат ижрочиси, суд ҳал қилув қарорининг ижроси зиммасига юклатилган бошқа органларнинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси бўйича тузатишга ҳақли.

Ҳал қилув қарорининг мазмунини ҳамда далилларни текшириш, ҳолатларни аниқлаш ва қонунни қўллаш бўйича қилинган хулосаларни ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор Х. (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) туман молия бўлимига (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) нисбатан иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 152 400 000 сўм бой берилган фойдани жавобгар орқали давлат бюджети ҳисобидан ундиришни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг ажрими билан ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида вилоят давлат солиқ бошқармаси жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган ва жавобгардан даъвогар фойдасига 152 400 000 сўм бой берилган фойда ундирилган. Бир ойдан кейин биринчи инстанция судининг ёзувдаги хатоликни тузатиш тўғрисида ажрим чикарилиб, унда 152 400 000 сўм бой берилган фойдани жавобгар орқали давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ундирилиши белгиланган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогар Х. жиноят ишлари бўйича туман судининг ҳукмига асосан Жиноят кодексининг 184-моддаси учин-

чи қисми, 186¹-моддаси иккинчи қисми "б" банди, 189-моддаси, 190-моддаси иккинчи қисми "б" банди ва 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилган ва уч йил муддатга раҳбарлик ҳамда моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган ишларда ишлаш ҳамда моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган лавозимларни эгаллаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, 53 817 500 сўм жарима ва озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган.

Жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судининг ажримига кўра, Х.нинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли, унга нисбатан чиқарилган ҳукм бекор қилинган ва у реабилитация қилиниб, жиноят иши Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2 ва 3-бандларига асосан ҳаракатдан тугатилган.

Шунга кўра, даъвогар Х. ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги натижасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошира олмаганлиги, масъулияти чекланган жамияти фаолият юритганда олиши мумкин бўлган, лекин ўзи асоссиз жиноий жавобгарликка тортилиши натижасида бой берилган жами 152 400 000 сўм

фойдани жавобгар орқали давлат бюджетидан реабилитация асосларига кўра, ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлангандан бўлса-да, 152 400 000 сўм бой берилган фойдани моддий зарар сифатида жавобгардан ундирган. Даъво талабининг бой берилган фойдани бюджетдан ундириш қисми муҳокама қилинмасдан қолган. Кейинчалик суд томонидан ёзувдаги хатони тузатиш тўғрисида ажрим қабул қилиб, ушбу маблағни жавобгар орқали давлат бюджетидан ундирилишини белгиллаган.

Ваҳоланки, ИПКнинг 191-моддаси биринчи қисмига кўра, ҳал қилув қарорини қабул қилган суд йўл қўйилган хатоларни, ҳарфий хатоларни ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни ёзувнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда, ишда иштирок этувчи шахсининг, давлат ижрочисининг, суднинг ҳал қилув қарори ижроси зиммасига юклатилган бошқа органларнинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси бўйича тузатишга ҳақли бўлиб, Олий суд Пленумининг "Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарори 41-банди тўртинчи хатбошисига ҳал қилув қарорининг мазмунини ҳамда далилларни текшириш, ҳолатларни аниқлаш ва қонунни қўллаш бўйича қилинган хулосаларни ўзгартиришга йўл қўйилмаслиги юзасидан тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция судининг ажрими ёзувдаги хатони тузатиш тўғрисида бўлса-да, ушбу ажрим билан ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатган, яъни бой берилган фойдани молия бўлимидан ундириш қисмини бюджетдан ундиришга ўзгартирган. Бундан ташқари мазкур ажримни чиқаришдан олдин ИПКнинг 127-моддасида назарда тутилган тартибда жавобгар хабардор қилинмаган.

Апелляция инстанцияси суди бу процессуал қонунбузилиш ҳолатларига эътибор қаратмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш билан чекланган.

Бундан ташқари биринчи инстанция суди бой берилган фойдани давлат бюджетидан қайтариш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса-да, ишга Молия вазирлиги вилоят Фазначилиги бошқармасини жалб қилмаган.

Шу билан бирга даъвогарнинг даъво талаби реабилитация асосларига кўра, зарарни ундиришдан иборат бўлиб, судлар реабилитация асослари яқка тартибдаги тадбиркорга нисбатан амалга оширилганда яқка тартибдаги тадбиркорда бой берилган фойда ёки моддий зарарни талаб қилиши мумкинлигини (сабабий боғланиш) қонун нормалари билан асослаб бермаган.

Жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судининг ажрими билан реабилитация қилинган Х.га мулкрий, маънавий ва бошқа зиённи қоплаш масаласида Жиноят-процессуал кодексининг 304-312-моддалари тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган. Мазкур ҳуқуқдан фойдаланган ҳолда даъвогар тегишли туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилган ва фуқаролик судининг қарори билан вилоят молия бошқармасидан моддий ва маънавий зарар ундириш белгиланганлиги иш ҳужжатлари билан бирга ўрганилмаган.

Жиноят-процессуал кодексининг 304-моддаси биринчи қисмига кўра, реабилитация этилган шахсга ушбу Кодекснинг 302 ва 303-моддаларида кўрсатилган қонунга хилоф ҳаракатлар билан етказилган мулкрий зиён тўлиқ ҳажмда қопланади. Биринчи инстанция суди яқка тартибдаги тадбиркор бўлган даъвогарнинг фуқарога нисбатан қўлланилган реабилитация асосига кўра, бой берилган фойдани талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириш чорасини кўрмаган.

Судлар томонидан ишни кўриш вақтида тақдим этилмаган, бироқ кассация инстанциясига тақдим этилган вилоят давлат солиқ бошқармасининг хатига кўра, даъвогар томонидан 2013-2014 йилларда тадбиркорлик фаолиятини юритган вақтда солиқ инспекциясига ҳисоботлар тақдим этилмаганлиги маълум қилинган.

Мазкур ҳолатда судлов ҳайъати жавобгар томонидан тақдим этилган мазкур ҳужжатни янги далил сифатида баҳолайди.

Олий ҳужалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 1-бандида суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга

риоя этмаслик ИПКнинг 279 ва 302-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкинлиги, суд томонидан ИПКнинг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

ИПКнинг 302-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори-

ни, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати туман молия бўлимининг кассация шикоятини қисман қаноатлантириш, иш бўйича қабул қилинган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва ажрими ҳамда апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1202-2002/794-сонли иш

2. Иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги суд қарорларини бекор қилиш учун асос бўлади.

Б. масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) ва Н. хусусий корхонаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ўртасида тузилган маҳсулот етказиб бериш шартномасига кўра, даъвогар шартномада келишилган тартибда ва миқдорда пул маблағларини жавобгарнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш, жавобгар эса, ўтказиб берилган маблағ учун сифатли битум маҳсулотларини тегишли тартибда етказиб бериш мажбуриятини олган.

Даъвогар томонидан шартнома шартларига кўра, тўлов топшириқномаси билан 120 000 000 сўм пул маблағлари маҳсулот сотиб олиш учун жавобгарнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилган.

Жавобгар келишилган сифатдаги маҳсулотлар билан даъвогарни ўз вақтида таъминламагани ва қарздорликни тўлаб бериш ҳақида унга юборилган талабномаларни оқибатсиз қолдирганлиги важлари билан даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 120 000 000 сўм асосий қарз ва 28 000 000 сўм пеня ундиришни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 120 000 000 сўм асосий қарз ундирилган. Даъвонинг пеня ундириш қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Вилоят иқтисодий суди кассация инстанциясининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Бироқ судлар томонидан иш ҳолатлари тўлиқ аниқланмаган, даъво аризаси ва у бўйича эътирозномада баён этилган ҳолатлардаги қарама-қаршиликлар бартараф этилмаган, жавобгар томонидан маҳсулот етказиб берилган ёки етказиб берилмаганлиги, етказиб берилган бўлса, маҳсулотнинг сифати талабга жавоб бериши ёки жавоб бермаслиги ҳолатларига аниқлик киритилмаган, бундан ташқари маҳсулот жавобгар томонидан даъвогарга топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар ҳақиқий ёки сохта-лаштирилганлиги ҳолатлари ўрганилмаган.

Хусусан, прокурор томонидан судлов ҳайъатига тақдим этилган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосарининг жиноят иши кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ва жиноят ишини кўзғатиш ҳақидаги қароридан текшириш давомида даъвогар раҳбари жавобгар томонидан битум етказиб берилмаганлиги, даъвогарнинг вакили С. даъвогар раҳбари К.нинг илтимосига асосан қабул қилиб олинмаган битум учун счё-фактурага имзо қўйиб берганлигини маълум қилганлиги қайд этилган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар судлар томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлигидан далолат беради.

ИПКнинг 302-моддаси биринчи қисми 1-бандига кўра, иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати кассация шикоятини қисман қаноатлантириш, суд қарорларини бекор қилиб, ишни янги-

дан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

ИПКнинг 304-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, ишни янгидан кўришда биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқлаш мақсадида қуйидаги кўрсатмаларни бажариши лозимлиги қайд этилган:

- даъво аризаси ва кассация шикоятда баён этилган ҳар бир важга баҳо бериб, ишдаги ва тақдим этиладиган янги далилларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холис текшириш, уларга ҳуқуқий баҳо бериш;

жавобгар томонидан маҳсулот етказиб берилган ёки етказиб берилмаганлиги, етказиб берилган бўлса, маҳсулотнинг сифати талабга жавоб бериши ёки жавоб бермас-

лиги ҳолатларига аниқлик киритиш;

вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосарининг жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ва жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарорида қайд этилган тарафлар вакилларининг кўрсатмаларини, хусусан, жавобгар томонидан битум етказиб берилмаганлиги, даъвогарнинг вакили С. даъвогар раҳбари К.нинг илтимосига асосан қабул қилиб олинмаган битум учун счет фактурага имзо қўйиб берганлиги ҳолатларини ўрганиш ва уларга тегишли ҳуқуқий баҳо бериш;

моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаган ҳолда қонуний ва асосланган суд ҳужжатини қабул қилиш.

4-1801-2003/297-сонли иш

* * *

Бажарувчи Т. МЧЖ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) ва буюртмачи М. МЧЖ (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ўртасида тузилган хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг шартларига кўра, даъвогар жавобгарнинг буюртмасига асосан телекўрсатувлар бошланишидан олдин ва унинг якунида ҳомийлик реклама роликлари, анонслари ёки бошқа турдаги видеороликларни жойлаштириш, ўз навбатида, жавобгар кўрсатилган хизматларни қабул қилиш ҳамда шартномада назарда тутилган тартибда ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Жавобгар томонидан кейинги ой учун ҳисоб-фактура қабул қилинмаганлиги ҳамда тўловлар тўлиқ амалга оширилмаганлиги важлари билан даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 926 791 000 сўм асосий қарз ва 23 169 775 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан ишга низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида К. МЧЖ жалб қилинган.

Туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қаноатлантирилган.

Иқтисодий ишлар бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъатининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Жавобгар иш юзасидан қабул қилинган суд қарорларидан норози бўлиб, кассация шикояти билан мурожаат қилган ва унда суд қарорларини бекор қилиб, даъво талабларини қаноатлантиришни рад этишни сўраган.

Мазкур ишни кўришда судлар томонидан иш ҳолатлари тўлиқ аниқланмаган, шартнома шартларига тўғри шарҳ берилмаган, иш-

даги ҳамда тақдим этилган далилларга етарлича ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Хусусан, биринчи инстанция суди даъвогарнинг асосий қарзни ундириш талабини қаноатлантиришда қуйидагиларни инобатга олган:

даъвогар жавобгарнинг буюртмаси ва у томонидан тақдим этилган медиа режалар асосида ўтган йилнинг декабрь ойи учун ҳам хизматлар кўрсатиб келган бўлса-да, аммо жавобгар ҳеч бир асоссиз электрон ҳисобварақ-фактураларни қабул қилмаганлигини, шунингдек, даъвогарнинг қарздорликни ихтиёрий бартараф этиш борасидаги мурожаатларига жавобгар эътироз билдириб, мижозларининг ҳомийлик реклама роликларини даъвогар "prime time" вақтида эмас, балки арзонроқ бўлган "off time" вақтида эфирга узатганлиги ёки белгиланган миқдорда эфирга узатмаганлигини маълум қилганлиги;

жавобгар вакилларининг даъвогар ҳомийлик реклама роликларини "prime time" вақтида эмас, балки арзонроқ бўлган "off time" вақтида эфирга узатганлиги ёки белгиланган миқдорда эфирга узатмаганлиги борасида келтирган важларини ҳам жавобгарликдан қочиш мақсадида келтирилган важлар деб ҳисобланиши, негаки, шартноманинг 2.3.5-бандида ҳомийлик реклама роликларини даъвогар медиа-режага асосан эфирга узатиши лозимлиги, 2.2.2-бандида эса, ҳомийлик реклама роликлари эфирга узатилишидан 3 кун олдин жавобгарда медиа режага ўзгартириш киритиш ҳуқуқи мавжудлиги белгиланганлигини, лекин тақдим этилган медиа режаларга жавобгар ҳеч бир эътироз билдирмаганлиги;

К. МЧЖ томонидан йил якунлари бўйича

ўрганиш ўтказилган бўлиб, ушбу ўрганишда ҳомийлар томонидан тақдим қилинган реклама роликлари мониторинг қилинган ва даъвогар томонидан хизматлар медиа режа асосида тўлиқ бажарилганлиги тасдиқланиб, ҳолат юзасидан маълумотнома тақдим этилганлиги;

Йил давомида даъвогар томонидан кўрсатилган хизматларга шу тариқа ҳисоб-китоб қилиб келинганлиги, яъни тарафлар ўртасида қарор топган амалиётга кўра, медиа режалар ёзма битим орқали расмийлаштирилмаганлиги.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ушбу хулосаси билан келишиб, талабни қаноатлантириш учун қўшимча қуйидаги асосни, яъни шартномага қўшимча тузилган 2-сонли келишув битимининг 3.1.5-бандига кўра, йилнинг 1 ноябрдан токи 31 декабрга қадар нархлар белгиланганлиги ва унда белгиланган нархлар бўйича "prime time" ва "off time" вақтларида хизмат кўрсатиш жами қилиб кўрсатилганлигини, алоҳида нарх белгилаб қўйилмаганлигини келтирган.

Судлар йил давомида даъвогар томонидан кўрсатилган хизматларга даъвогар томонидан юборилган медиа режалар асосида ҳисоб-китоб қилиб келинганлиги, бунда тарафлар ўртасида қарор топган амалиётга кўра, медиа режалар ёзма битим орқали расмийлаштирилмаганлиги, шу тариқа шартнома шартлари ўзгартирилган деб ҳисобланиши ҳақида барвақт хулосага келишган.

Шартноманинг 4.2-бандида даъвогар бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобварақ-фактура, далолатнома ва маълумотнома расмийлаштириб, уларни келгуси ҳисобот ойининг 10 санасига қадар жавобгарга тақдим этиб бориши, 3.2-бандига кўра, жавобгар амалда рекламани жойлаштириш фактидан келиб чиқиб, тўловни амалга ошириб бориши лозимлиги белгиланган.

Шартноманинг 7.6-бандида шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва у юзасидан тузиладиган битимлар тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган қўшимча келишув йўли билан амалга оширилиши лозимлиги қатъий белгилаб қўйилган. Бироқ тарафлар ўртасида медиа режалар орқали хизмат кўрсатиш шартларини ўзгартириш ҳақида қўшимча келишувлар тузилмаган. Бундай ҳолатда даъвогар шартномада белгиланган "prime time" ва "off time" хизмат кўрсатиш вақтларига бир томонлама ўзгартириш киритишга ҳақли ёки ҳақли

эмаслигига судлар баҳо беришмаган.

Шартномага 2-сонли келишувнинг 3.1.1-3.1.5-бандларида телевизион контентнинг нархлари келтирилган бўлиб, унда кўрсатилган нархлар "prime time" ва "off time" вақтларида хизмат кўрсатиш сонлари аниқ келтирилган ҳолда шакллантирилган.

Шунингдек, шартномага 1-сонли иловада шартнома баҳосини шакллантириш тартиби белгиланган бўлиб, унинг 1.9-бандида ҳомийлик аудиовизуал роликларини аниқ вақт оралиғида, шу жумладан, "prime time" вақтида (мухлислар телекурсатувларни энг кўп кўрадиган вақт оралиғида) жойлаштириш орқали шакллантирилиши белгиланган.

ФКнинг 363-моддаси биринчи қисмига кўра, суд шартнома шартларини шарҳлашда ундаги сўз ва ибораларнинг асл маъносини эътиборга олади. Шартноманинг шarti аниқ бўлмаса, унинг асл маъноси бошқа шартларга ва бутун шартноманинг маъносига таққослаш йўли билан аниқланади.

Апелляция инстанцияси суди шартномага қўшимча тузилган 2-сонли келишув битимининг 3.1.5.-бандида белгиланган нархлар бўйича "prime time" ва "off time" вақтларида хизмат кўрсатиш жами қилиб кўрсатилганлиги, яъни алоҳида нарх белгилаб қўйилмаганлигини қайд этган. Бироқ даъвогар томонидан йил учун тасдиқланган ўз телеканалнинг эфирида рекламани жойлаштиришнинг прайс-листи тасдиқланган бўлиб, унга кўра, рекламани "prime time" вақтида жойлаштирилганлик учун хизмат ҳақи "off time" вақтига қараганда деярли 10 баравар фарқ қилади. Бироқ судлар томонидан мазкур далилга ҳуқуқий баҳо берилмасдан, жавобгарнинг ушбу ҳақдаги важлари нима сабабдан қабул қилинмаслигини қарорларида қайд этмасдан, "prime time" ва "off time" вақтларида хизмат нархлари бир хил эканлиги ҳақида хулосага келишган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар судлар томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлигидан далолат беради.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати кассация шикоятини қисман қаноатлантириш, суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

ИПКнинг 304-моддаси биринчи қисмига мувофиқ ишни янгидан кўришда биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқлаш мақсадида қуйидаги кўрсатмаларни бажариши лозимлиги қайд этилган:

даъво аризасида ҳамда у бўйича жавобгар томонидан билдирилган эътирознома ва ши-

коятларда баён этилган ҳар бир ваҳга баҳо бериб, ишдаги ва тақдим этиладиган янги далилларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холис текшириш, уларга ҳуқуқий баҳо бериш;

даъвогар томонидан декабрь ойида жавобгарга "prime time" ва "off time" вақтларида хизмат кўрсатишнинг сони ва сифати юзасидан К. МЧЖдан далилларни талаб қилиб

олиш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш;

ишда иштирок этувчи шахсларни суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилиб, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўлланган ҳолда қонуний ва асослантирилган суд ҳужжатини қабул қилиш.

4-1001-2107/2147-сонли иш

3. Даъвогар ишни биринчи инстанция судида кўриш чоғида ишнинг мазмунан кўрилиши якуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтиришга ёки камайтиришга ҳақли.

Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа эгалари Кенгаши (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) Д. фермер хўжалиги (бундан буён матнда фермер хўжалиги деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Х. қўшма корхонасидан (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) 209 163 000 сўм бўнак маблағини ўз вақтида бермаганлиги сабабли фермер хўжалигига етказилган зарарни қоплаш ва ушбу сумманинг 5 фоизи миқдорида 10 458 000 сўм жарима ва 0,1 фоиз 19 860 985 сўм пеня, топширилган пахта хом-ашёси қийматининг 90 фоизи ҳисобидан тўланиши керак бўлган 57 216 900 сўм ва ушбу сумманинг 5 фоизи миқдорида 2 860 845 сўм жарима, тўлов кечиктирилган кунлар учун 5 435 600 сўм пеня ундиришни, бошқа иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорига асосан ундирилган 3 342 901 сўм пеняни, МЧЖ томонидан кредитни суғурталаш ҳаражати учун деб асоссиз равишда ушлаб қолинган 5 576 000 сўмни қайтаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, МЧЖдан фермер хўжалиги фойдасига 80 169 000 сўм асосий қарз ундирилган ва асоссиз ушлаб қолинган 5 576 000 сўм суғурта мукофоти қайтарилган. Даъво талабининг неустойка ундириш қисми бўйича иш юритиш тугатилиб, қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Х. қўшма корхонасининг кассация шикоятини шартномада уруғлик пахтага иккинчи босқич чигитга тааллуқли алоҳида тўлов шарт қилиб кўрсатилмаганлиги, уруғлик чигит 2020 йил учун экилмаганлиги (сотилмаганлиги), ушбу чигит техник чигит турига ўтганлиги сабабли иккинчи босқич уруғлик чигит учун 31

872 245 сўм тўланмаслиги судлар томонидан инобатга олинмаганлиги, даъво талабининг ушбу қисмини қаноатлантиришни рад этиш лозимлиги ҳақида ваҳлар келтирилиб, суд қарорларининг ушбу қисмини бекор қилиш ва уни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилиш сўралган.

Аниқланишича, фермер хўжалиги ва МЧЖ ўртасида 2019 йил пахта хом ашёси харид қилиш бўйича тузилган контракция шартномасининг 1.1-бандида Х. 2019 йилнинг режасига асосан 52,5 гектар майдондан ўрта толали, жами 193,2 тонна пахта хом ашёсини "харидор" га етказиб бериш, "харидор" эса, ушбу маҳсулотни келишилган муддатларда қабул қилиб олиш ва муайян нарх бўйича ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Шартноманинг 4.2-бандида харидор 2019 йил 1 сентябрга қадар хўжаликка шартнома умумий суммасининг 60 фоизи миқдорида, 463 686 000 сўм бўнак (аванс) ажратилиши лозим бўлса-да, амалда харидор томонидан 272 288 116 сўм бўнак ажратилиб, фермер хўжалигига шартномада кўрсатилган бўнақдан 209 163 000 сўм кам миқдорда маблағ тўлаб берилган.

Шу боис тарафлар ўртасида низо келиб чиққан.

Иш ҳужжатларида фермер хўжалиги раҳбарининг даъво талабининг жарима ва пеня ундириш қисмидан воз кечиш ҳақидаги аризаси мавжуд бўлиб, даъво талабида ундириш сўралган жарима ва пеня суммаси 38 615 510 сўмни ташкил этади.

Биринчи инстанция суди даъво талабининг жарима ва пеня ундириш қисмидан воз кечишни қабул қилиб, даъво талабининг жарима ва пеня ундириш қисми бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган бўлса-да, бироқ МЧЖдан фермер хўжалиги фойдасига 80 169 845 сўм асосий қарзни фермер хўжалиги раҳбарининг МЧЖнинг фермер

хўжалигидан 48 297 600 сўм асосий қарзи ва уруғлик чигитдан 31 872 246 сўм қарздорлиги мавжудлиги юзасидан берган кўрсатмасидан келиб чиққан ҳолда ундириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

ИПКнинг 157-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, даъвогар ишни биринчи инстанция судида кўриш чоғида ишнинг мазмунан кўрилиши якуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилинганга қадар даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтиришга ёки камайтиришга ҳақли.

Ваҳоланки, даъво аризасида жарима ва пеня ундириш сўралган бўлиб, иш ҳужжатларида даъвогарнинг жавобгарга нисбатан ўз талабларини асослантирган ҳолатларни, даъвонинг асосини ўзгартириш, яъни қарздорликни ундириш ҳақида ариза мавжуд эмас.

4. Апелляция инстанцияси судининг қарорида апелляция инстанцияси суди томонидан аниқланган иш ҳолатлари, суднинг ушбу ҳолатлар тўғрисидаги хулосалари учун асос бўлган далиллар, суд қарорни қабул қилишда амал қилган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суднинг у ёки бу далилларни рад этишига ва ишда иштирок этувчи шахслар ҳавола қилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўлланмаганлигига доир сабаблар кўрсатилиши керак.

Б. масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Г. масъулияти чекланган жамиятидан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 7 456 979 682 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар, даъвогар қўшимча даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 3 728 489 841 сўм пеня ҳам ундиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан ишга Е. масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда учинчи шахс деб юритилади) низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 7 456 979 682 сўм асосий қарз, 1 500 000 000 сўм пеня, 111 854 796 сўм давлат божи ва 17 840 сўм почта харажати ундирилган. Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қол-

дирилган.

Апелляция инстанцияси суди эса, қайд этилганларни инобатга олмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар судлар томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлигидан далолат беради.

ИПКнинг 302-моддаси биринчи қисми 1-бандига кўра, иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати кассация шикоятини қисман қаноатлантириш, суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1805-2001/337-сонли иш

дирилган.

Г. МЧЖнинг кассация шикоятида судлар томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатлар ўрганилмаганлиги, ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилганлиги ҳақида ваҳдалар келтирилиб, суд қарорларини бекор қилиш, ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юбориш сўралган.

Аниқланишича, даъвогар ва жавобгар ўртасида тузилган пудрат шартномасига кўра, даъвогар 7 қаватли мансард қисми билан 10 ва 11-сонли турар-жой объектида қурилиш-монтаж ишларини бажариш, жавобгар эса, уни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартнома баҳоси 5 000 000 000 сўм этиб белгиланган бўлиб, 1-сонли қўшимча келишувга асосан шартнома баҳоси 11 060 000 000 сўмга, 2-сонли қўшимча келишувга асосан эса, 25 000 000 000 сўмга кўпайтирилган.

Даъво аризасида қайд этилишича, даъвогар ва жавобгар ўртасида ўзаро бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномасига кўра, жами ҚҚС билан 22 368 017

934 сўмлик даъвогар томонидан бажарилган ишлар жавобгар томонидан қабул қилиб олинган. Жавобгар томонидан тақдим этилган давал хом-ашёси суммаси, яъни 8 516 066 658 сўм ҳамда 2 726 506 519 сўм ҚҚС суммаси чегирилган ҳолда ҚҚС билан жами 16 578 457 795,20 сўмни тўлаб бериши лозим бўлган. Жавобгар томонидан 9 121 478 113 сўм ихтиёрий тўлаб берилган бўлса-да, таққослаш далолатномасига асосан тан олинган қолган 7 456 979 682,20 сўм қарздорлик тўлаб берилмаган.

Тўловни амалга ошириш юзасидан даъвогар томонидан юборилган талабномалар жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Шу сабабли тарафлар ўртасида ушбу низо келиб чиққан.

ИПКнинг 176-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, суднинг ҳал қилув қарори қонуний ва асослантилган бўлиши керак.

Бироқ суд томонидан мазкур низо бўйича аниқланиши лозим бўлган муҳим ҳолатлар аниқланмаган. Жумладан, суднинг ажрим билан даъвогар ва жавобгарнинг назорат ўлчови тайинлаш ҳақидаги илтимосномаси қаноатлантирилиб, назорат ўлчови тайинланган, назорат ўлчовини ўтказиш "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ вилоят минтақавий филиали зиммасига юклатилган ва мутахассис олдига 13 та савол қўйилган.

Тақдим этилган назорат ўлчови далолатномасида лойиҳа смета ҳужжати асосидаги умумий бажарилган ишлар қиймати ҚҚС билан жами 22 604 384 034 сўмни, ортиқча бажарилган ишлар қиймати эса, 357 005 245 сўмни ташкил этиши, объектда учинчи шахс томонидан ҳам маълум бир ишлар бажарилганлиги, ушбу бажарилган ишлар даъвогарнинг бажарган ишларидан алоҳида амалга оширилганлиги, учинчи шахс вакилларининг бажарган ишлари бўйича солиқ ҳисоботи берилганлиги тўғрисида ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги сабабли, унинг бажарган ишлари қиймати тўлиқ далолатномага киритилмаганлиги ҳолати аниқланганлиги қайд этилган.

Биринчи инстанция суди назорат ўлчови далолатномасида кўрсатиб ўтилган лойиҳа смета ҳужжати асосидаги умумий бажарилган ишлар қиймати ҚҚС билан жами 22 604 384 034 сўмни, ортиқча бажарилган ишлар қиймати эса, 357 005 245 сўмни

ташкил этиши аниқланганлиги, шунингдек, 7 456 979 682 сўм асосий қарз тарафлар ўртасида имзоланган ўзаро таққослаш далолатномаси билан ҳам ўз тасдиғини топганлиги асоси билан даъво талабининг асосий қарз ундириш қисмини қаноатлантириб, нотўғри хулосага келган.

Чунки иш ҳужжатларида С. МЧЖнинг назорат ўлчови далолатномаси мавжуд бўлиб, унда назорат ўлчови давомида даъвогар томонидан буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда 20 фоиз ҚҚС билан бирга 16 629 183 930 сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилганлиги, шундан буюртмачининг давал материалларининг қиймати 20 фоиз ҚҚСни инобатга олган ҳолда 5 121 759 755 сўмни, бажарилган ишлар қиймати 20 фоиз ҚҚСни инобатга олган ҳолда 11 507 424 175 сўмни ташкил этиши аниқланганлиги қайд этилган.

ИПКнинг 71-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, агар тақдим этилган далиллар кўрилаётган ишга алоқадор бўлмаса, уларни иш материалларига қўшиб қўйилмайди, уларнинг далил сифатида рад қилинганлиги суд ҳужжатида акс эттирилади.

Ушбу кодекснинг 74-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан, далилларнинг йиғиндисига эса, етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Олий ҳўжалик судининг "Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 3-банди тўртинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошиларида қарорнинг асоси учун суд томонидан муҳокама қилинган ва баҳо берилган далилларгина олинishi лозимлиги, суд иш учун аҳамиятли бўлган у ёки бу ҳолатни тасдиқловчи далилларни қайд этиш билан чегараланмасдан, балки ушбу далилларнинг мазмунини ҳам баён этиши шартлиги, агар суд далилларнинг ҳар бирини алоҳида ва уларни биргаликда баҳолаб, тақдим этилган у ёки бу ҳужжатлар, тарафлар вакилларининг кўрсатмалари, бошқа аниқ маълумотлар тарафлар ўзларининг талаб ёки эътирозларини асослаган ҳолатларни тасдиқламаслигини аниқласа, у ўзининг бу ҳақдаги хулосасини қарорда ишончли асослаши лозимлиги ҳақида ту-

шунтириш берилган.

Ушбу ҳолда биринчи инстанция суди С. МЧЖнинг назорат ўлчови далолатномасига ҳуқуқий баҳо бермаган, уни ишдаги бошқа далиллар билан бирга ўрганмаган, уни далил сифатида рад қилинганлиги ҳал қилув қарорида акс эттирилмаган.

ИПКнинг 280-моддаси иккинчи қисми 11-бандига кўра, апелляция инстанцияси судининг қарорида апелляция инстанцияси суди томонидан аниқланган иш ҳолатлари, суднинг ушбу ҳолатлар тўғрисидаги хулосалари учун асос бўлган далиллар, суд қарорни қабул қилишда амал қилган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суднинг у ёки бу далилларни рад этишига ва ишда иштирок этувчи шахслар ҳавола қилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўлламаганлигига доир сабаблар кўрсатилиши керак.

Апелляция инстанцияси суди эса, биринчи инстанция суди томонидан С. МЧЖнинг назорат ўлчови далолатномасига ҳуқуқий баҳо берилмаганлигига, уни ишдаги бошқа далиллар билан бирга ўрганмаганлигига, уни далил сифатида рад қилинганлиги ҳал қилув қарорида акс эттирилмаганлигига эътибор қаратмасдан, ўзи ҳам

хатоликка йўл қўйиб, назорат ўлчови ўтказиш жараёнида объектда қурилиш ишлари бир неча пудрат ташкилотлари томонидан амалга оширилганлиги ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилмаганлиги ҳолати юзасидан "Ипотека-банк" АТИБ ва даъвогар томонидан имзоланган назорат ўлчови далолатномасига ҳуқуқий баҳо бермасдан, уни далил сифатида рад қилинганлигини қарорда акс эттирмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириб, барвақт хулосага келган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар, судлар томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлигидан далолат беради.

ИПКнинг 302-моддаси биринчи қисми 1-бандига кўра, иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати кассация шикоятини қисман қаноатлантириш, суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1001-2003/7629-сонли иш

II. МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИ

1. Товар чиқариб юборилганидан кейин унинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига ҳужжатларнинг кейинги текшируви пайтида товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларининг миқдorigа таъсир кўрсатган нотўғри декларациялаш аниқланиб тузатишлар киритилса, нотўғри қўлланилган имтиёз суммаси жавобгардан ундирилади.

Давлат божхона қўмитаси вилоят бошқармасининг (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) ТИФ божхона постида расмийлаштирилган божхона юк декларацияси (БЮД) асосида божхона ходимлари томонидан Д. МЧЖ (бундан кейин матнда жавобгар деб юритилади) номига олиб келиниб, "Эркин муомалага чиқариш" божхона режимига имтиёзли равишда расмийлаштирилган товарлар қайта ўрганилганда жавобгар номига чет элдан олиб келинган брутто вазни 1 070 кг, фактура қиймати 33 800 АҚШ долларига тенг бўлган ускуна ТИФ божхона постида божхона юк декларацияси билан "Эркин муомалага чиқариш (ИМ-40)" бож-

хона режимига расмийлаштирилганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-табдирлари тўғрисида" 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётганда божхона тўловларидан озод қилинадиган насли маҳсулотлар, технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналар, комбикорм ва қўшимча ем ишлаб чиқариш учун компонентлар, шунингдек, пайвандтаг кўчатлар ва томчилатиб суғориш тизими учун асбоб-ускуналар рўйхатини

тасдиқлаш тўғрисида" 2016 йил 12 апрелдаги 110-сонли қарорига асосан балиқчилик хўжаликларига ем ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик асбоб-ускуналар учун божхона тўловларидан имтиёзлар назарда тутилган бўлса-да, жавобгар номига чет элдан инвойсга асосан олиб келиниб, "Эркин муомалага чиқариш (ИМ-40)" божхона режимига расмийлаштирилган ускунага божхона тўловлари ҳисоб-китобларига кўра, жами 90 898 412,67 сўмлик имтиёзлар нотўғри қўлланилганлиги аниқланган.

Даъвогар томонидан қўшимча ҳисобланган божхона тўловларни ўз вақтида тўлаши учун жавобгарга ёзма мурожаатлар қилинган бўлса-да, лекин жавобгар томонидан ушбу мурожаатлар оқибатсиз қолдирилган.

Даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 90 898 412,67 сўм божхона тўловларини ундиришни сўраган.

Туман иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 71 175 172,1 сўм божхона тўлови ундирилган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларидан норози бўлиб, жавобгар кассация шикоятини билан мурожаат қилган ва унда суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўраган.

Шунингдек, апелляция инстанцияси судининг қароридан норози бўлган даъвогар ҳам кассация шикоятини билан судга мурожаат қилиб, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, кассация шикоятини қаноатлантиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, божхона постида жавобгар номига чет элдан олиб келинган ускуна ТИФ божхона постида божхона юк декларацияси билан "Эркин муомалага чиқариш (ИМ-40)" божхона режимига расмийлаштирилиб, жавобгарга 90 898 412,67 сўм бож тўловларидан имтиёз берилган.

Бироқ жавобгар томонидан божхона юк декларацияси билан олиб кирилган ИМ-40 "эркин муомалага чиқариш" божхона ре-

жимига расмийлаштирилган товарларнинг божхона расмийлаштируви пайтида товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификати тақдим этилмаган. Ушбу ҳолат даъвогарнинг ваколатли мутахассислари томонидан аниқланган ҳамда жавобгарга қўшимча 90 898 412,67 сўм бож тўловлари ҳисобланиб, уни ундириш чораларини кўриш ҳақида хулоса тузилган.

Божхона кодексининг (бундан кейин матнда Божхона кодекси деб юритилади) 201-моддаси биринчи ва иккинчи қисмига кўра, божхона органлари товарлар чиқариб юборилганидан кейин, башарти божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган деб тахмин қилиш учун етарли ва тасдиқланган асослар мавжуд бўлса, божхона назоратини амалга оширишга ҳақли.

Товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона назорати амалга ошириладиганда божхона органлари товарларнинг борлигини текширишга, уларни қайта божхона кўригидан ўтказишга, божхона декларациясида кўрсатилган маълумотларни қайта текширишга, ҳужжатларни ҳамда ушбу товарлар билан амалга ошириладиган ташқи иқтисодий операцияларга ва ундан кейинги тижорат операцияларига тааллуқли ахборотни текширишга ҳақли.

Мазкур низоли ҳолатда божхона назоратини ўтказиш учун божхона органи бошлиғининг қарори чиқарилмаганлиги даъвога қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўла олмайди. Чунки Божхона кодексининг 320-моддаси учинчи қисми тўртинчи хатбошисига кўра, товар чиқариб юборилганидан кейин унинг божхона қиймати ва (ёки) божхона тўловларига ҳужжатларнинг кейинги текшируви пайтида товарнинг божхона қиймати ва (ёки) божхона тўловларининг миқдорига таъсир кўрсатган нотўғри декларациялаш аниқланган бўлса, тузатишлар киритилиши белгиланган.

Даъвогар томонидан низо бўйича жавобгарнинг божхона тўғрисида қонун ҳужжатлари бузилганлиги юзасидан унинг молия-хўжалик фаолияти текширилмасдан, балки божхона юк декларациясида кўрсатилган маълумотлар мавжуд ҳужжатлар асосида ўрганилиши натижасида божхона расмийлаштируви вақтида жавобгар томонидан товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат божхона расмийлаштируви учун тақдим этилганмаганлиги аниқланган.

Биринчи инстанция суди юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, даъво талабини қаноатлантириш тўғрисида асосли хулосага келган.

Божхона кодексининг 264-моддасига мувофиқ, боғхона юк декларацияси қабул қилинганлиги расмийлаштирилган пайтдан бошлаб, у юридик аҳамиятга молик фактлардан далолат берувчи ҳужжатга айланиши сабабли, жавобгар томонидан расмийлаштирилган боғхона юк декларациясининг 34-графасига асосан товарнинг келиб чиқиш мамлакати боғхона расмийлаштируви чоғида ҳам "номаълум" эканлиги ҳолатида бўлганлиги апелляция инстанцияси судининг эътиборидан четда қолган ҳолда даъво талабидаги суммани камайтириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Бундан кўринадики, апелляция инстанцияси суди иш юзасидан қарор қабул қилишда моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаган ва бу ноқонуний қарор қабул қилишга сабаб бўлган.

Булардан ташқари жавобгарнинг кассация шикоятда маъмурий суднинг жавобгар раҳбари маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилган қарори бекор қилинганлиги, жавобгарга нисбатан қўшимча ҳисобланган боғхона тўловларини ундириш тўғрисида асослар мавжуд эмас, деган важлари асоссиздир.

2. Транспорт вазирлиги ва унинг томонидан ташкил этиладиган янги маҳсус корхоналар асослаш эҳтиёжи мавжуд бўлганда техник-иқтисодий асослаш асосида Ўзбекистон Республикасига белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган транспорт воситалари, бутловчи анжомлар ва эҳтиёт қисмлар, ускуналар, асбоблар ва приборлар, машиналар ва механизмлар, компьютер ва диагностика техникаси учун боғхона тўловларидан 2023 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга озод этилиши (боғхонада расмийлаштирувлар учун йиғимлар бундан мустасно) белгиланган.

Боғхона бошқармасининг (бундан буён матнда бошқарма деб юритилади) Н. масъулияти чекланган жамиятидан (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) 157 219 003,79 сўм боғхона тўловларини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан тўлиқ қаноатлантирилиб, МЧЖдан бошқарма орқали бюджетга 157 219 003,79 сўм боғхона тўловлари ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Н. масъулияти чекланган жамиятининг

ИПКнинг 73-моддаси учинчи қисмида фуқаролик ишлари бўйича суднинг ёки маъмурий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган иқтисодий суд учун фуқаролик ишлари бўйича суднинг ёки маъмурий суднинг ҳал қилув қароридан аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга тааллуқли бўлган ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийлиги белгиланган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик иши юзасидан жиноят ишлари бўйича суднинг қарори билан жавобгар раҳбарига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 227²⁵-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилган ва унга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари, яъни 1 561 000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган ҳамда у давлат даромадига ундирилиши белгиланган.

Баён этилганларга асосан, судлов ҳайъати даъвогарнинг кассация шикоятини қаноатлантириш, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириш, жавобгарнинг кассация шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1305-2001/259-сонли иш

кассация шикоятда МЧЖ белгиланган тартибда боғхона тўловларидан озод этилганлиги, жамият автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш билан шуғулланмаслиги, ушбу фаолият билан шуғулланиш учун маҳсус рухсат берувчи ҳужжатларга эга эмаслиги ҳақида важлар келтирилиб, суд қарорларини бекор қилиш ва даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилиш сўралган.

Аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил

6 мартдаги ПҚ-3589-сонли қарори 14-бандида транспорт вазирлиги ва унинг томонидан ташкил этиладиган янги махсус корхоналар асослаш эҳтиёжи мавжуд бўлганда техник-иқтисодий асослаш асосида 2023 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга Ўзбекистон Республикасига белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатлар бўйича олиб кирадиган транспорт воситалари, бутловчи анжомлар ва эҳтиёт қисмлар, ускуналар, асбоблар ва приборлар, машиналар ва механизмлар, компьютер ва диагностика техникаси учун божхона тўловларидан озод этилиши белгилаб қўйилган (божхонада расмийлаштирувлар учун йиғимлар бундан мустасно).

Мазкур қарорга асосан МЧЖ томонидан чет эл компанияси билан тузилган импорт шартномасига мувофиқ "транспорт воситалари эҳтиёт қисмлари" товари олиб келинган бўлиб, 2019 йил 12 декабрда олиб келинган товарлар божхона юк декларацияси билан "эркин муомалага чиқариш" режимига расмийлаштирилган ва ушбу эҳтиёт қисмлар учун 157 219 003,79 сўм миқдоридан божхона тўловлари бўйича имтиёзлар ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида" 2018 йил 31 майдаги ПҚ-3756-сонли қарори 2-банди бешинчи хатбошисига мувофиқ, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирадиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхати ва уларга тузатишлар, имтиёзлар бериш тўғрисида қонун ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжати мавжуд бўлган тақдирдагина, имтиёз берилган ташкилот томонидан шакллантирилади, шунингдек, уларнинг комплекс экспертизасини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонасига кирилади.

Шунга асосан "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонаси томонидан 2019 йил 30 январда импорт қилиниши ҳақида ижобий ҳулоса берилган.

Бошқарма МЧЖга талабнома юбориб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида" 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сонли Фармони 2 "в"-банди учинчи хатбошисига асосан, қўшилган қиймат солиғидан 157 219 003,79 сўм имтиёз нотўғри қўланилганлиги сабабли ушбу имтиёзни тўлашни талаб қилган.

Мазкур Фармоннинг 2 "в"-банди учинчи хатбошисига қишлоқ хўжалиги техникаси, автотранспорт воситалари, автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик асбоб-ускуналар бўйича 2019 йил 1 октябрдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғидан, шу жумладан, импорт қилинганда ҳам имтиёзлар бекор қилиниши белгиланган.

Талабномага МЧЖ томонидан келтирилган товарлар 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3589-сонли қарорда белгиланган имтиёз асосида 2019 йил декабрь ойида олиб келинганлиги, бошқарма эса, 2020 йил 29 августда, яъни орадан 8 ой ўтгандан кейин талабнома юборганлиги, қолаверса, 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сонли Фармон билан 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3589-сонли қарор бекор қилинмаганлиги сабабли талабнома ижроси таъминланмаслиги тўғрисида маълум қилинган.

Шунга кўра, бошқарма томонидан терговга қадар текширув ҳужжатлари прокуратурага юборилган.

Туман ИИО ФМБ 1-сонли ИИБ ТБнинг 2020 йил 12 ноябрдаги жиноят иши кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қароридан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 28 августдаги хатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сонли қарори ва 2018 йил 10 сентябрдаги ПФ-5361-сонли Фармойиши доирасида импорт қилинадиган товарлар импортида ҚҚС бўйича берилган имтиёзлар муддати тугагунга қадар амал қилиши, бунда мазкур имтиёз 2019 йил 27 июндаги ПФ-3755-сонли Фармоннинг 2 "в"-бандида келтирилган товарлар, жумладан, ёғоч материаллари, ёғоч ва ундан тайёрланган буюмлар импортига нисбатан татбиқ этилмаслиги маълум қилинганлиги, ваҳоланки, МЧЖ томонидан "автобус эҳтиёт

қисмлари" олиб келинганлиги, қолаверса, 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сонли Фармон билан 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3589-сонли қарор бекор қилинмаганлиги ёки ўзгартирилмаганлиги қайд этилиб, Х. МЧЖ божхона расмийлаштируви мутахассиси ва МЧЖ ходимларининг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги, уларнинг айби далиллар мажмуи билан тасдиғини топмаганлиги инobatга олиниб, жиноят иши қўзғатиш рад этилган.

Божхона кодексининг 296-моддасига мувофиқ, ушбу кодексга, бошқа қонунларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига биноан юридик ва жисмоний шахсларга тариф имтиёзлари, қўшилган қиймат солиғини, акциз солиғини ва божхона йиғимларини тўлаш бўйича имтиёзлар, тариф преференциялари берилиши мумкин.

Ушбу кодекснинг 297-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, ташқи савдо сиёсати амалга оширилаётганда илгари тўланган божхона божини қайтариш, божхона божи ставкасини пасайтириш ва божхона божини тўлашдан озод этиш тарзида тариф имтиёзлари берилишига йўл қўйилади. Мазкур модданинг иккинчи қисми 13-бандига кўра, божхона божидан озод этиш тарзидаги тариф имтиёзлари қуйидагиларга нисбатан берилади. Жумладан, божхона ҳудудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш контракти (шартномаси, келишуви) шартларида назарда тутилган бўлса. Олиб кирилган технологик асбоб-ускуналар олиб кирилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида экспортга реализация қилинган ёки текин берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши божхона божларини тўлаш мажбуриятлари тикланган ҳолда бекор қилинади.

Мазкур ҳолатда МЧЖга имтиёз 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3589-сонли қарорнинг 14-бандида берилган бўлиб, унда Транспорт вазирлиги ва унинг томонидан ташкил этиладиган янги махсус корхоналар асослаш эҳтиёжи мавжуд бўлганда техник-иқтисодий асослаш асосида Ўзбекистон Республикасига белгиланган тартибда тасдиқлан-

ган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган транспорт воситалари, бутловчи анжомлар ва эҳтиёт қисмлар, ускуналар, асбоблар ва приборлар, машиналар ва механизмлар, компьютер ва диагностика техникаси учун божхона тўловларидан 2023 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга озод этилиши (божхонада расмийлаштирувлар учун йиғимлар бундан мустасно) белгиланган.

Шу боис, ушбу ҳолатда Божхона кодексининг 297-моддаси иккинчи қисми 13-банди нормаси қўлланилмайди, балки 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3589-сонли қарорнинг 14-банди қўлланилади.

Қолаверса, 2019 йил 27 июндаги ПФ5755-сонли Фармоннинг 2 "в"-банди учинчи ҳатбошисида автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бутловчи буюмлар бўйича 2019 йил 1 октябрдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғидан, шу жумладан, импорт қилинганда ҳам имтиёзлар бекор қилиниши белгиланган бўлиб, МЧЖ томонидан автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган бутловчи буюмлар эмас, балки чет элдан автобуслар ва улар учун "транспорт воситалари эҳтиёт қисмлари" олиб келинган.

Ушбу ҳолда биринчи инстанция суди қайд этилганларни инobatга олмасдан, даъво талабини тўлиқ қаноатлантириш, апелляция инстанцияси суди эса, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Қайд этилганлардан кўринадикки, судлар иш юзасидан қарор қабул қилишда моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаган ва бу эса ноқонуний қарор қабул қилинишга сабаб бўлган.

ИПКнинг 302-моддаси биринчи қисми 4-бандига кўра, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Баён этилганларга асосан, судлов ҳайъати кассация шикоятини қаноатлантириб, иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилиш ва даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

4-1001-2003/21823-сонли иш

3. Агар Фуқаролик кодексига ёки бошқа қонунларга мувофиқ шартнома тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

АТ банк (бундан буён матнда банк деб юритилади) номидан унинг филиали ва Р. масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) ўртасида ажратиладиган кредит маблағларининг таъминоти сифатида гаровга олинаётган мулкларни баҳолаш тўғрисида тузилган келишув битимига кўра, МЧЖ тегишли мол-мулклар билан бирга, кредит ҳисобига чет эл компаниясидан сотиб олинаётган иссиқхона комплекси ерга эгалик қилиш ҳуқуқи билан биргаликда 219000 АҚШ доллари баҳоланган.

Шунингдек, банк ва МЧЖ ўртасида тузилган кредит шартномасига кўра, банк томонидан МЧЖга 365000 АҚШ доллари миқдорида ярим йиллик Libor + ХТТБнинг ўзгарувчан спред + Молия вазирлигининг 0,2 фоизи + банкнинг 2,96 фоиз устамаси билан 7 йил муддатга кредит маблағи ажратилган.

Шартноманинг 9.1-бандида кредит таъминоти турлари белгиланган бўлиб, унга кўра, гаров ва кафиллик таъминотидан ташқари, кредит ҳисобига сотиб олинган иссиқхона комплекси 219000 АҚШ доллари миқдорида банкка таъминот сифатида тақдим этилиши белгиланган.

Банк ва МЧЖ ўртасида дастлабки гаров шартномаси тузилган ва ушбу шартноманинг 7-бандида МЧЖ кредит ҳисобига чет эл компаниясидан сотиб олинаётган ва 219000 АҚШ доллари баҳоланган иссиқхона комплекси ерга эгалик қилиш ҳуқуқи билан ўз номига ўтказилганидан кейин гаровга қўйиш мажбуриятини олган.

Бироқ МЧЖ кредит маблағи ҳисобига сотиб олинган иссиқхона комплекси гаровга қўймаган ва банкнинг йўллаган огоҳлантириш хатлари МЧЖ томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Шу сабабли Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси банк манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ зиммасига кредит ҳисобига сотиб олинган, ажратилган 1,8 га ер майдонининг 0,8 га ер май-

донига қурилган иссиқхона комплексини ерга эгалик қилиш ҳуқуқи билан бирга 219 000 АҚШ доллари миқдорида гаровга қўйиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, МЧЖ зиммасига кредит шартномасининг таъминоти сифатида банк фойдасига кредит ҳисобига сотиб олинган, ажратилган 1,8 га ер майдонининг 0,8 га ер майдонига қурилган иссиқхона комплекси ерга эгалик қилиш ҳуқуқи билан бирга ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин 15 кун ичида гаровга қўйиш мажбурияти юкланган. Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 1-бандининг иккинчи хатбошисида суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга риоя этмаслик ИПКнинг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Судлар томонидан иш юзасидан қарор қабул қилишда қайд қилинган талабларга риоя қилинмаган.

Хусусан, ФКнинг 234-моддасига кўра, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ФҚда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Ушбу ҳолатда тарафларнинг мажбуриятлари шартномадан келиб чиққан.

Ажратиладиган кредит маблағларининг таъминоти сифатида гаровга олинаётган мулкларни баҳолаш тўғрисида тарафлар ўртасида тузилган келишув битимига кўра, кредит ҳисобига чет эл компаниясидан со-

тиб олинаётган иссиқхона комплекси ерга эгалик қилиш ҳуқуқи билан биргаликда 219 000 АҚШ долларига баҳоланган.

Банк ва МЧЖ ўртасида тузилган кредит шартномасининг 9.1-бандида кредит таъминоти турлари белгиланган бўлиб, унга кўра, гаров ва кафиллик таъминотидан ташқари, кредит ҳисобига сотиб олинган иссиқхона комплекси 219 000 АҚШ доллари миқдорида банкка таъминот сифатида тақдим этилиши белгиланган.

Шунингдек, банк ва МЧЖ ўртасида тузилган дастлабки гаров шартномасининг 7-бандида МЧЖ кредит ҳисобига чет эл компаниясидан сотиб олинаётган ва 219 000 АҚШ долларига баҳоланган иссиқхона комплексини ерга эгалик қилиш ҳуқуқи билан ўз номига ўтказилганидан кейин гаровга қўйиш мажбуриятини олган.

ФКнинг 361-моддаси биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмларига мувофиқ, дастлабки шартнома бўйича тарафлар келгусида мол-мулк бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақида дастлабки шартномада назарда тутилган шартлар асосида шартнома тузиш (асосий шартнома) мажбуриятини оладилар. Дастлабки шартномада асосий шартноманинг нарсасини, шунингдек, бошқа муҳим шартларини белгилаб қўйиш имконини берадиган шартлар бўлиши керак. Дастлабки шартномада тарафлар қанча муддатда асосий шартномани тузиш мажбуриятини олиши кўрсатилади.

Мазкур ҳолатда, гаровга олинаётган мулкларни баҳолаш тўғрисидаги келишув битими, кредит шартномаси ва ипотека шартномасида тарафлар келгусида гаров шартномаси тузиш (асосий шартнома) мажбуриятини олган, уларда гаров шартномасининг нарсаси, гаров нарсасини баҳоси ва гаров шартномасини тузиш муддати белгиланган.

ФКнинг 361-моддаси иккинчи қисмига биноан, дастлабки шартнома асосий шартнома учун белгиланган шаклда, борди-ю, асосий шартноманинг шакли аниқланмаган бўлса, ёзма шаклда тузилади.

Банк ва МЧЖ ўртасида дастлабки шартнома тузишга оид қоидалар гаровга олинаётган мулкларни баҳолаш тўғрисидаги келишув битими, кредит шартномаси ва ипотека шартномасида баён қилинганли-

ги сабабли, тарафлар ўртасида дастлабки шартнома тузилган ҳисобланади.

ФКнинг 361-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, дастлабки шартномани тузган тараф асосий шартномани тузишдан бош тортган тақдирда ушбу кодекснинг 377-моддаси олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Мазкур кодекснинг 377-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, агар ушбу кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ шартнома тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

МЧЖ кредит ҳисобига чет эл компаниясидан сотиб олинган иссиқхона комплексини ўрнатиб, ўз номига ўтказган бўлсада, дастлабки шартнома бўйича иссиқхона комплексини ерга эгалик қилиш ҳуқуқи билан бирга 219 000 АҚШ долларига баҳоланган ҳолда гаровга қўйиш мажбуриятини бажаришдан бош тортиб келган.

Демак, банк судга иссиқхона комплексини ерга эгалик қилиш ҳуқуқи билан биргаликда 219 000 АҚШ долларига гаровга қўйиш мажбуриятини юклаш талаби билан эмас, балки ФКнинг 377-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда МЧЖни гаров шартномаси тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилиши лозим эди.

Қайд этилганлардан кўринадики, судлар иш юзасидан қарор қабул қилишда моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаган ва бу эса, ноқонуний қарор қабул қилинишга сабаб бўлган.

ИПКнинг 302-моддаси биринчи қисми 4-бандига кўра, моддий ва (ёки) процесуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Баён этилганларга асосан, судлов ҳайъати Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасининг кассация шикоятини қаноатлантиришни рад этиб, иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилиш ва даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

4-2201-2003/1553-сонли иш